БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 33 (17.026). ● 8 февраль 1978 йил, чоршанба ● Баҳоси 2 тийин.

ЭКСПЕРИМЕНТЛАР КУНИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 7 февраль. (ТАСС). Киши бошқарадиган «Салют-6» — «Союз-27» илмий-тадқиқот комплексининг орбита бўйлаб учиши ҳамда «Прогресс-1» транспорт кемасининг мустақил учиши давом этмоқда.

Бугун космик комплекс экипажи медицина экспериментлари ўтказди. Юрий Романенко билан Георгий Гречко юрак қон-томир системасининг навбатдаги тадқиқотлар туркумини бажардилар. Космонавтлар организмидаги қон тақсимотини ўрганиш эксперименти ўтказилди, вазнсизлик шароитларида тушадиган нагрузка жуда оз бўлган айрим группа мускулларнинг ҳолатига баҳо берилди. Ёпиқ экологик система шароитларида газ муҳити состави ўзгариш динамикасини ўрганиш борасидаги медицина-биологик эксперимент ҳам кун программасига киритилди.

Мустақил учиш программасига мувофиқ «Прогресс-1» транспорт кемаси ичидаги аўрим система ва агрегатларнинг бир қанча синовлари бажарилди.

Телеметрик информация маълумотларига кўра, киши бошқарадиган «Салют-6» — «Союз-27» комплекси билан «Прогресс-1» транспорт кемаси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди. Романенко билан Гречко ўртоқлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

САНОАТ ХОДИМЛАРИ МАРРАЛАРИ

Республика ишчилар синфининг 1978 йилги социалистик мажбуриятларидан:



Энергетикамиз янада ривожланади. Улуғ Октябрь 61 йиллигигача Сирдарё ГРЭСида 300 минг киловатт қувватли 8-энергоблок, Фарғона ТЭЦида соатига 420 тонна буғ ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қозон агрегати фойдаланишга топширилади.



Бу йил республикада планга қўшимча камида 30 минг квадрат метр уйжой бинолари қурилади.



Пахта тозалаш саноати ходимлари пландан ташқари 45 минг тонна пахта толаси тайёрлаб чиқаришади.

КОММУНИЗМ МАКТАБИ

КПСС XXV съезди белгилаб берган улуғ бунёдкорлик программаси завод ва фабрикаларда, қурилиш майдонларида, колхоз ва совхозларда совет кишиларининг фидокорона меҳнати, уларнинг амалий ишларида яққол намоён бўлмоқда. Бу жараёнда касаба союзларининг оммавий-ташкилотчилик роли ниҳоятда каттадир.

Республика партия ташкилотлари раҳбарлигида касаба союзлари муқобил планлар, социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун мусобақани авж олдирмоқдалар. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, меҳнаткашларига Мактубига жавобан меҳнаткашлар ишлаб чиқариш ва ижтимоий активлигини кучайтиришнинг муҳим формаси — социалистик мусобақани ташкил этиш тажрибасини оммалаштириб, касаба союз советлари ва комитетлари оммани ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва юксак ниш сифатига эришиш учун оммавий ҳаракатни тобора кучайтираётирлар. Учинчи беш йиллик уч йили топшириғини СССР янги Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги кунигача бажариш учун бошланган ватанпарварлик ташаббуси кенг қулоч ёймоқда.

Партия кўрсатмалари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев СССР касаба союзларининг XVI съездида сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар социалистик мусобақани ташкил этишда касаба союз ташкилотлари фаолиятининг программасига айланди. Ҳозирги босқичда социалистик мусобақа янги сифат қирралари билан жилоланмоқда, янги хусусиятлар касб этмоқда, у фан-техника тараққиёти, меҳнат коллективларининг муқобил планлари билан узвий бирлик касб этаётир. Маълумки, меҳнат коллективларида ишлаб чиқилаётган мукобил планларда миллионларнинг ғайрат-ташаббуси ва фидокорона меҳнати ўзининг ёрқин ифодасини топаётир. Мана шуларнинг ҳаммаси касаба союзлари олдига янги катта вазифалар қўймоқда, экономикани бошқаришда, ташкилотчилик ва оммавий-тарбиявий ишни йўлга қўйишда уларнинг ролини бекиёс кучайтирмоқда.

Учинчи беш йиллик топшириғини иккн ярим йилда бажариш учун кураш бошлаган ишлаб чиқариш илғорлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Ҳозир бу ҳаракатда республика меҳнат коллективларининг 40 мингга яқин аъзоси қатнашаётир. Янгийўл ёг-мой комбинатининг аппаратчиси, КПСС XXV съезди делегати А. Панкна, пахта тозалаш заводининг мастери А. Абдувалиев ва биохимия заводининг оператори Г. Хоменко ўртоқларнинг «Қолоқларсиз, самарали ва сифатли меҳнат қиламиз» шиори остида бошлаган ташаббуси минг-минглаб издошлар орттирди. Касаба союз ташкилотлари қолоқларсиз ишлаш учун бошланган мусобақани оммавий тус олдириш, унинг ошкоралигини таъминлаш, илғорларни рағбатлантиришнинг маънавий ва моддий омилларини моҳирона қўллаш соҳасида қизғин иш олиб бормоқдалар.

Меҳнатга коммунистик муносабат учун кураш ҳаракатида иккн миллиондан зиёд ишчи, инженер-техник ходим, қишлоқ меҳнаткашлари фаол қатнашаётирлар. Уч юздан ортиқ корхона ва ташкилотлар, 90 мингдан зиёд цех ва участка, 30 мингдан ортиқ бригада коммунистик меҳнат коллективи фахрли номига сазовор бўлди. 650 мингдан зиёд коммунистик меҳнат зарбдори коммунистчасига яшаш ва ишлаш намунасини кўрсатмоқда.

Касаба союз ташкилотлари фан-техника ҳамда ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни янги техника билан интенсив куроллантириш, илғор технологияни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, машиналар, асбоб-ускуналар ва материалларнинг янги турларини яратишга катта эътибор қилмоқдалар. Бу ишлар салмоқли иқтисодий самара бераётир.

План топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига бевосита боғлиқ. Республика касаба союз ташкилотлари бу соҳада ҳам изчил иш олиб бораётирлар, меҳнаткашларда коммунистик онглилиқни тарбиялашни ўзларининг етакчи вазифалари деб ҳисобламоқдалар. Самарқанддаги «Гелион», Урганчдаги шина-ремонт заводлари, Бухоро трикотаж фабрикаси ва бошқа кўпгина корхоналарда касаба союз ишлаш вақтини, моддий ва материал ресурсларини тежаш, ундан оқилона фойдаланиш тадбирларини кўрмоқдалар, меҳнатни ташкил этиш ва интизомни мустаҳкамлаш масалалари билан мунтазам шуғулланмоқдалар.

В. И. Ленин касаба союзларини бошқариш мактаби, хўжаликни юритиш мактаби, коммунизм мактаби сифатида таърифлаган эди. Коммунистик жамият қуриш кенг авж олдирилган ҳозирги пайтда касаба союзларининг роли янада актуал, муҳим аҳамият касб этмоқда. Касаба союз советлари ва комитетлари планларни ишлаб чиқиш, хўжалик юритиш методларини белгилаш, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда тобора фаол иштирок этаётирлар. Шуни айтиш кифояки, 1400 дан зиёд корхона ва ташкилот социал-иқтисодий тараққиёт планларини ишлаб чиқиб, уларни муваффақиятли амалга оширмоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубида илғорларга сурилган вазифалар касаба союз ташкилотларининг ишини янада жонлантиришни, мажбуриятлар ва муқобил планларнинг муддатидан илгари ошириб бажарилиши, барча участкаларда меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий активлиги шаффоф булоқдек жўш уриб туриши учун зарур бўлган барча чораларни кўришни тақозо этади. Социалистик мусобақа юксак даражада ташкил этилиши, коммунистик меҳнат зарбдорлари унинг олдинги сафларида бўлишларига эришмоқ лозим. Бирлашмалар, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозларда ўнинчи беш йиллик учинчи йилининг юксак мажбуриятларини ошириб бажариш учун зарур шароитларни яратиб бериш, мусобақанинг ошкоралигини ва илғорларни рағбатлантиришни тўғри йўлга қўйиш керак. Шуйдагина касаба союзлари серқирра фаолиятининг самарадорлиги оширилади, халқ хўжалигини бошқаришда омманинг фаол иштироки таъминланишига эришилади. Бу эса муваффақиятларимизнинг зарур омилидир.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Шу қаҳратон қиш дамларида ҳам Каттақўрғон районига қарашли Охунбобоев номли колхоз далаларида, устахоналарида ҳаёт қайнайди. Сув йўллари мавсумга шайланяпти, далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш жадал олиб бориляпти. Колхоз устахонасига кирган киши бу ерда ишнинг кўнгилдагидек ташкил этилганлигини кўриб, мамнун бўлади. Барча турдаги агрегатлар сифатли ремонтдан чиқарилиб, кўриқдан ўтказилмоқда ҳамда пана жойларга киритиб қўйилмоқда.

Колхоз меҳнаткашлари ўтган йили мавжуд 1716 гектар ернинг ҳар гектаридан 34 центнердан хирмон кўтарган эдилар. Улар ўнинчи беш йиллиннинг учинчи йилида бундан ҳам юқори марраларни кўзлашмоқда. «Гектаридан 40 центнердан хирмон кўтарамиз», — дейишмоқда азаматлар.

Колхоз механизаторлари етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини теріб берадилар. Улар бунга шу кунларданоқ пухта ҳозирлик кўришяпти. 60 чопиқ, 20 ҳайдов трактори ҳамда 20 та сеялка тахт қилиб қўйилди. «Зангори кема»лар ремонти ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. СУРАТДА: колхоз бош инженери Аҳмад Қаршиев, техника хавфсизлиги бўйича масъул ходим Ғулом Шералиев ҳамда устахона бошлиғи Баҳром Шералиев ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

ОЗУҚА ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Андижон областидаги Ленинск нон маҳсулотлари комбинатида Фарғона водийсидаги энг катта омихта ем заводи барпо этилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда омихта ем саноати бўйича 23 та катта завод бор. Тармоқ корхоналари реконструкция қилинмоқда, серунум асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда .Бу эса қора моллар, қўйлар, паррандалар, қуёнлар, балиқлар учун озуқа хилини кўпайтириш имконини берди. Бу йил 22 хил маҳсулот ёнига яна 9 хили қўшилади.

Бу йил республика Тайёрлаш министрлигининг корхоналарида 1 миллион 240 минг тонна — ўтган йилдагидан 123 минг тонна кўп омихта ем ишлаб чиқариш мўлжалланган. Беш йиллик охирига бориб, омихта ем ишлаб чиқариш бир ярим миллион тоннага етказилади.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Тошлоқ районидаги «Оқ олтин» колхози чорвадорлари давлатга гўшт сотиш йиллик планини ошириб бажардилар. Пландаги 100 тонна ўрнига 105 тонна бўрдоқи гўшти етказиб берилди. Бўрдоқига боқилган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 455 килограмм, қўйларнинг оғирлиги эса 110 килограммни ташкил этди.

ХАЛҚ ЖАСОРАТИ МАДҲИ

«Қичик ер»га десант туширилиб, жанг бошланган кунга 35 йил тўлиши муносабати билан кўп сонли ўқувчилар илтимосига биноан Леонид Ильич .Брежневнинг «Новий мир» журналидан олиб босилган «Кичик ер» хотираларини газетхонлар зўр қизиқиш ва мамнуният билан ўқиб ўрганмоқдалар, хотираларда совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги фидокорлиги ва жасорати, Коммунистик партиянинг улкан ташкилотчилик иши, сиёсий ходимларнинг жонбозлиги ва қаҳрамонлиги ёрқин ифода этилганлигини таъкидламоқдалар.

ФАХРЛАНИШ ҲИССИ

Кичик ерга десант туширилиб жанг бошланган кунга 35 йил тўлиши муносабати билан Леонид Ильич Брежневнинг эълон қилинган «Кичик ер» хотираларини диққат билан ўқиб чиқдим. Кўз олдимда ҳаётимда ўчмас из қолдирган жангу жадал йиллари, ўтмиш воқеалари жонланди. Совет халқининг гитлерчилар Германияси устидан ғалабасини таъминлаган омиллар ушбу хотирада батафсил баён этилган. Жангчиларимизнинг букилмас иродаси, оммавий қаҳрамонлиги ўз ифодасини топган. «Кичик ер» мудофаачиларининг жасорати қуролдош дўстларимнинг душман билан курашда кўрсатган мислсиз қаҳрамонлигини яна бир бор эслатди.

Партия ходими фронтнинг энг оғир участкаларида коммунистга хос қатъийлик, зўр куч ва ирода намуналарини намойиш этганлиги айниқса ёрқин тасвирланган.

Леонид Ильич Брежнев «Кичик ер» воқеаларининг шахсан иштирокчиси бўлганлиги учун ҳам ҳикоя қилинган воқеалар ниҳоятда таъсирчан чиққан. Ҳар бир инсон қалбини ҳаяжон ва изтиробга солади. Фашизм устидан ғалабамиз қанчалик қийинчилик ва машаққатлар билан қўлга киритилганлигини кўрсатади. Совет кишиларининг оммавий қаҳрамонлигидан фахрланиш ҳиссини уйғотади. Бу хотира «Кичик ер» ҳимоячилари жасоратининг мадҳи бўлиб қолади.

К. МУҲАМЕДОВ,
Улуғ Ватан уруши иштирокчиси.

ВЕТЕРАНЛАР УНУТМАЙДИЛАР

Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер» хотираларини ўқир эканман, биз қуролдошлар иккинчи гвардиячи армия составида босиб ўтган жанговар йўлимизни бирма-бир кўз олдимга келтирдим.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг хотираларида совет кишиларининг ана шу фазилатлари жуда яхши очиб берилган. «Кичик ер»га десант туширилиши қандай тасвирланганини қайта-қайта ўқиб чиқдим. Кема минага дуч келиб портлаганда жангчилар вахимага тушмайди. Шундай бир ерги вазиятда ҳеч ким ўз қуролини ташламаганлиги қаҳрамонлик эмасми ахир.

18-армия жангчиларининг «Кичик ер»даги жасорати тилларда достон бўлган. Лекин Улуғ Ватан урушининг ҳар дақиқаси унда иштирок этган ҳар бир киши учун мардлик мактаби бўлди. Биз ветеранлар уруш нақадар мусибатлар келтирганини, буюк ғалаба миллионлаб қаҳрамон совет кишиларининг Ватан олдидаги ўз бурчини сўнгги томчи қони қолгунча адо этишлари эвазига қўлга киритилганлигини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам жанг майдонларида ҳалок бўлган қуролдош дўстларимизни сира унутмаймиз.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг уруш хотиралари ҳам Ватан озодлиги йўлида ҳалок бўлган жангчиларга ёдгорлик, урушнинг барча қийинчиликларини енгиб ўтиб, ғалаба куни нашидасини сурган халоскор совет солдатига мадҳиядир.

В. ИФТАЕВ.
Улуғ Ватан уруши ветерани.

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Тошкент атрофида жойлашган республикада энг катта 1-теплица комбинатининг тўртинчи навбати қурилиши поёнига етказилди. У ойна остида жойлашган янги олти гектарлик полиз ҳароратини ва ҳавонинг намлигини автоматик маромга солиб туриш имконини берадиган ускуналар билан жиҳозланган. Комбинатнинг ишлаб чиқариш қувватлари эндиликда 20 гектарга қадар кенгайтирилди.

Магазинларга йил бошидан буён бу ердан 100 тонна бодринг, помидор, редиска, кўк пиёз, петрушка, укроп жўнатилди. Б. Худойқулова ва Л. Ниёзматова бошлиқ звеноларда мўл ҳосил етиштирилди. Улар ҳар квадрат метрдан 25—28 килограмм сабзавот йиғиштириб олишга аҳд қилдилар.

Бу йил шаҳарликлар дастурхонига 2 минг тонна — ўтган йилдагидан 250 тонна кўп сабзавот жўнатилади.

ПАХТА ДАЛАСИНИНГ ИЛМИЙ УФҚЛАРИ

Қишлоқ хўжалиги фанлари олимларининг анъана бўлиб қолган йиллик кенгаши пахтачиликни янада ривожлантиришда илм-фан ролини ошириш вазифаларига бағишланди. Кенгаш 7 февраль куни В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлимида ўтказилди.

Учрашув қатнашчилари — республиканинг таниқли олимлари, илмий-тадқиқот институтларининг раҳбарлари, министрлар, қишлоқ хўжалигининг ана шу тармоғи билан алоқадор министрликлар ва идораларнинг мутахассислари янги серунум ғўза навлари селекцияси, комплекс механизациялаш ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, пахта комплекси учун янги машиналар яратиш асосида пахтачиликни интенсивлаш агросаноат интеграциясини ривожлантириш асосида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш проблемаларини кўриб чиқдилар.

Республиканинг селекционичилари ва олимлари яратган пахтаннинг 30 га яқин янги истиқболли навлари давлат нав тармоқларида ҳозир синовдан ўтмоқда. Г. С. Зайцев номли Пахта селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг директори, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси С. М. Мираҳмедов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг директори А. А. Абдуллаев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Ю. П. Хуторной шу соҳадаги илмий-тадқиқотларнинг ривожи, эришилган натижалар ва истиқболлар тўғрисида гапирдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов ғўзанинг вилт касаллигига қарши кураш борасидаги тадқиқотларнинг натижалари тўғрисида, республика олимлари яратган янги гербицидлар ва дефолиантлар тўғрисида маълумот берди. В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлими раисининг ўринбосари, республика Фанлар академиясининг академиги М. В. Муҳаммаджонов, СоюзНИХИ директори, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси А. И. Имомалиев, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг директори А. Х. Хожиев, Ўсимликларни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институтининг директори С. Н. Алимуҳамедов, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг раиси М. Г. Хван, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Р. О. Олимов тупроқ унумдорлигини тубдан ошириш, ғўза парвариши технологиясини такомиллаштириш, пахтачиликда комплекс механизациялаш, ўсимлик зараркунандаларига қарши биологик кураш методларини жорий этиш асосий масалалари тўғрисида гапирдилар. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев пахтачиликда агросаноат интеграциясини ривожлантириш тўғрисида гапирди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов катта нутқ сўзлади. У КПСС XXV съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмаларига асосан пахта, дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш вазифаларини таҳрифлаб берди. Серҳосил ва тезпишар, касаллик ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига чидамли, толаси юксак технологик сифатларга эга бўлган янги пахта навларининг селекцияси ва шундай навларни чиқариш борасидаги тадқиқотларни активлаштириш, серунум машиналар комплексини яратишга ҳамма чоралар билан ёрдам бериш, пахтакорларни деҳқончилик маданиятини юксалтирувчи таъсирли воситалар ва кураш методлари билан таъминлаш олимларнинг энг муҳим вазифасидир. Олимларнинг фаолияти пахта далаларининг ҳосилдорлигини муттасил кўпайтиришга, қишлоқ хўжалиги ходимлари олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам бермоги лозим.

В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. Х. Пўлдошев олимлар номидан гапириб, илм-фанни ривожлантириш тўғрисида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилаётганликлари учун партия ва ҳукуматимизга миннатдорчилик изҳор этди. У Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшмоқ учун аграрчи олимлар ҳамма куч-қувватлари ва билимларини сарфлайдилар деб ишонтирди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлари И. Г. Анисимкин, П. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. Мамарасулов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

«БИЛИМ» ЖАМИЯТИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ПЛЕНУМИ

7 февраль куни Москвада Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениесининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Таниқли совет олими, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Г. Басов жамият правлениесининг раиси қилиб сайланди.

Пленум правление президиумининг Бутуниттифоқ «Билим» жамияти VII съездида айтилган мулоҳаза ва таклифларни амалга ошириш соҳасидаги иши ҳақидаги ахборотни ҳам тинглади. Жамиятнинг 1978 йилги бюджети тасдиқланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири Е. М. Тяжельников қатнашди.

(ТАСС).

ШЎР ЮВИШ ВА ЯХОБ БЕРИШНИНГ БОРИШИ

7 ФЕВРАЛГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда шўри ювилган майдон: учинчи устун— мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда яхоб берилган майдон, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Жиззах	—	105,5	0,1	63,7
Андижон	—	105,0	—	83,8
Тошкент	—	100,0	—	100,0
Сирдарё	0,7	96,1	2,1	87,8
Наманган	0,5	89,6	0,1	44,9
Сурхондарё	—	72,7	—	83,7
Бухоро	1,1	69,3	—	—
Самарқанд	—	59,0	—	29,3
ҚҚАССР	—	51,7	—	—
Фарғона	0,5	50,9	0,1	46,1
Қашқадарё	—	43,3	0,8	21,6
Хоразм	—	33,2	—	—
Республика бўйича:	0,3	55,0	0,2	54,2

АМАЛИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Австрия республикасининг федерал канцлери доктор Бруно Крайский Совет ҳукуматининг таклифига биноан амалий визит билан 6 февраль куни Москвага келди.

Аэродромда уни СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

7 февраль куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан амалий визит билан Совет Иттифоқига келган Австрия республикасининг федерал канцлери Б. Крайский ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Амалий ва дўстона вазиятда ўтган музокаралар чоғида ўзаро манфаатли яхши қўшничилик Совет—Австрия муносабатларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ҳар икки томон иккала мамлакат халқлари ва тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб ана шу муносабатларни янада мустаҳкамлашга бўлган интилишни мамнуният билан таъкидлаб ўтди.

СОВЕТ—АВСТРИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

Актуал халқаро проблемаларни муҳокама қилган вақтда кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштиришга, Европада хавфсизликни мустаҳкамлашга ва ҳамкорликни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш нияти изҳор этилди. Куролланиш пойгасини тўхтатиш ва куролсизланиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Шу билан бирга томонлар шу соҳада конкрет натижаларга эришишдан ўзларининг ғоят манфаатдор эканликларини айтдилар.

(ТАСС).

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ

ДАДИЛ ОДИМ

Фарғона политехника институти иш бошлаганига эндигина ўн йил тўлган бўлса-да, ўз камолоти, мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги фаолияти, муҳим илмий-тадқиқот ишлари билан илғор олий техника ўқув юртлари сафидан жой олди.

Унинг ташкил этилиши республикамиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Шу ўринда оддий мисол келтириб ўтишни истардим: олтмиш йилнинг нарёғида, яъни Улуғ Октябрь инқилобигача, бутун ўлкада бўлганидек, Фарғона водийсида ҳам маҳаллий миллат вакилларидан бирорта олий ихтисосли инженер йўқ эди. Кетмон, эгов ҳамда омоч каби энг оддий иш қуроллари ҳам хорижий мамлакатлардан келтирилганлиги маълум. Чоризмнинг ана шундай чекка ва қолоқ, муҳтожликка, асоратга маҳкум этилган ўлкаси бўлган Фарғона бугунги кунга келиб, саноат маҳсулотларининг юзлаб хилларини ишлаб чиқармоқда, энг тараққий этган кўпгина капиталистик мамлакатлар ҳам область корхоналари саноат маҳсулотларига харидор.

Бу мисолларни келтиришдан мақсад Улуғ Октябрь ўзбек халқи тақдирига инсон ақли бовар қилмайдиган даражада таъсир кўрсатганини яна бир бор таъкидлаб ўтишдир.

Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли институт тез ўсди ва ривожланди. Дастлаб атиги иккита — қурилиш ва механика-энергетика факультетлари билан иш бошлаган олий ўқув юртида ҳозир тўрт факультет, 35 кафедра фаолият кўрсатмоқда. Уч-тўрт йил муқаддам институтда Ўрта Осиёда ягона маиший хизмат факультети очилди. Бу факультет енгил саноат учун, қолаверса, маиший хизмат соҳаси учун юксак малакали инженерлар тайёрлаб беришда самарали ишлар қилмоқда. Олий ихтисосли полиграфчи мутахассислар тайёрлаш ҳам Ўрта Осиёда биринчи бўлиб институтимизда йўлга қўйилганидан хурсандмиз.

Ўн йил давомида студентлар контингенти 20 баравар кўпайди. Бу, эндиликда кундузги, кечки, сиртқи бўлимларда қарийб 6.5 минг бўлажак инженер таҳсил кўряпти демакдир. Улар 18 миллат вакиллари бўлиб қарийб минг нафари маҳаллий миллат қизлари.

Давримизнинг тезкор суръатлари, илм-фаннинг беҳисоб тараққиёти бугунги кун инженери олдига ғоят масъулиятли вазифаларни қўяди. Шунинг учун, аввало, ўқитиш сифатининг юксак даражада бўлишига интиляпмиз. Ҳар бир машғулот, лекция, ишлаб чиқариш практикаси, семинарларнинг самарали бўлиши диққат-эътиборимизда турибди. Бунга эришиш, ўз-ўзидан маълумки, профессор-ўқитувчилар составининг тажриба ва малакаси, савиясига боғлиқ. Шу боисдан ҳам, бир неча йилдирки, институт ректорати, партия ва касаба союз, комсомол ташкилотлари профессор-ўқитувчилар составини юксак маҳоратли, малакали педагоглар билан мустаҳкамлаш учун жон куйдирмоқда. Бу албатта, ўзининг ижобий самараларини берди.

Бугунги кунда институтимизда ўз илмий-ижодий ҳамда педагогик фаолиятлари билан республикамизга танилган олимлар ҳам иш олиб бормоқда. Бир қатор истеъдодли олимларимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида олиб борган тадқиқот ишлари билан халқ хўжалиги олдида турган муҳим проблемаларни ҳал қилиб бермоқдалар. Инфрақизил нур бўйича янги прибор яратган истеъдодли олим, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати М. Муҳиддинов, бетон тайёрлашнинг янги, халқ хўжалигига катта иқтисодий наф келтирувчи турини яратиш устида иш олиб бораётган А. Абдуғаниев ва шунга ўхшаш кўплаб ижодкор алломаларимиз ҳақида фахр билан гапирсак арзийди.

Геолог олим, доцент Д. Султонов бошлиқ илмий ходимлар олиб бораётган самарали тадқиқот ишлари эса, Ўрта Осиёда нефть ва газ конларини қидириб топиш проблемаларига бағишланади. Рангли металлургия, машинасозлик, химия саноатига доир ва бошқа мавзуларда иш олиб бораётган олимларимизнинг ижодий ютуқлари ҳам катта изланишлар натижасида қўлга киритилди.

Йирик саноат корхоналари, муассасалар билан хўжалик шартномалари тузиш — институтимизда илмий-тадқиқот кўламини янада кенгайтиришга, педагогик коллективимиз аъзоларини тадқиқот ишларига янада кенгроқ жалб этишга ёрдам берди. Илмий ходимларимиз йилига қарийб икки юз минг сўмлик хўжалик шартномаларини бажармоқдалар. Шуниси характерлики, амалга оширилган тадқиқотларнинг бир қисми ихтиро даражасига кўтарилиб, авторлик гувоҳномаси ҳам олинди.

Ўқув-тарбия жараёнини яхшилашга, илмий-тадқиқот ишларининг ривож топишига самарали таъсир кўрсатаётган омиллардан яна бири мамлакатимиздаги йирик олий техника ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари билан узвий алоқада иш олиб бораётганимиздир. Институтимизнинг турли факультетларига Москва, Ленинград, Киев ва бошқа илмий марказлардаги олий ўқув юртларидан олимлар, йирик мутахассисларни таклиф этиб турамиз. Ўз соҳаларининг катта билимдонлари бўлган бу олимлар маълум муддат ичида студентларимизга лекциялар ўқийдилар, ўқитувчи-профессорларимизга илмий консультациялар берадилар.

Бугунги куннинг етук инженерларини тайёрлашда иккинчи даражали ишнинг ўзи йўқ. Шундай экан, профессор-ўқитувчилар коллективи олдида турган асосий вазифалардан бири ўқитиш ва таълим сифатини янада ошириш ва такомиллаштириш, ҳар бир машғулотнинг самарадор бўлишига эришишдир. Педагог-олимларимиз студентларнинг мустақил ишлашлари, семинар ва амалий машғулотларга пухта ҳозирлик кўришлари, ўқув жараёнида техника воситаларидан янада унумлироқ фойдаланиш каби масалаларга алоҳида эътибор бермоқдалар. Электрон-ҳисоблаш техникаси, ўнлаб кабинетлар, устахоналар, экспериментал ва илмий-тадқиқот лабораториялари эртанги кунимиз инженерлари хизматига тайёр.

Икки йилдирки, бир қисм битирувчиларимизнинг диплом ишлари индустриал Фарғонанинг йирик саноат корхоналарида, қурилишларида ёқланмоқда.

Институт ректорати, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари студентларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш, уларда илмий изланишларга майл уйғотиш борасида бирмунча тадбирларни амалга оширди. Илмий тўгараклар, конструкторлик бюроси, лабораториялар, семинар ва илмий конференцияларга тайёргарлик жараёнларида олиб бориладиган ишлар ва шунга ўхшаш тадбирлар бу борада таъсирли ва баракали роль ўйнамоқда. Студентларимиздан бир қисми хўжалик шартномаларини бажаришга доир тадқиқот ишларида актив иштирок этаётганликлари қувончли ҳолдир. Ҳар йили ўтказиладиган ихтисос конкурслари, олимпиадалар, курс ишлари ва диплом ишлари лойиҳалари кўрик-конкурслари, ишлаб чиқариш практикаси юзасидан тузиладиган ҳисоботлар — буларнинг ҳаммаси студентлар илмий ижодкорлигини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Юзлаб йигит-қизларимиз институт ҳузурида ташкил этилган ёш лекторлар, фотоҳаваскорлар, журналистика, ёш рассомлар халқ университетида шуғулланиб, қўшимча касб-ҳунар эгалламоқдалар.

Эртанги кунимизнинг инженерлари фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари билан қуролланган ижодкор зиёлигина бўлиб қолмай, шу билан бир қаторда у ғоявий чиниққан, сиёсий баркамол, Коммунистик партия, эл-юрт ишига ўзини бағишлаган фидойи инсон ҳам бўлмоғи керак. Студентларимизда ана шу ажойиб фазилатларни шакллантириш, уларни коммунистик руҳда тарбиялашда билим даргоҳида бир қатор ишлар қилинмоқда.

Асосий диққат-эътибор студентларнинг маркс-ленинча таълимотни, КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини пухта ўрганишларига, буржуа иллатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз ва шафқатсиз бўлишга қаратилган. Ижтимоий фанлар кафедралари томонидан изчил равишда ўтказилаётган илмий-назарий конференциялар, докладлар, уч авлод вакиллари билан учрашувлар, интернационал дўстлик клубининг кўп тармоқли иши — буларнинг ҳаммаси студентларимизни ғоявий-сиёсий камолотида, шубҳасиз, катта роль ўйнамоқда. Ўтган 1977 йил унутилмас саналарга бой йил бўлди. Ватанимизнинг шонли 60 йиллик юбилейи, СССР янги Конституциясининг қабул қилиниши, КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми ва унинг тарихий қарорлари чиндан ҳам мамлакатимиз ҳаётидаги энг буюк воқеалардир.

Биз бу тарихий ҳужжатларни нечоғли муҳим сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга молик эканлигини чуқур ҳис этамиз. Худди шу мақсадда СССР янги Конституцияси ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларини кенг ва атрофлича ўрганиш тадбирларини туздик. Бу ҳужжатлар юзасидан барча курсларда туркум лекциялар ўқилди, назарий семинарлар ўтказилди.

Биз инсон боласининг жамики орзу-умидлари рўёбга чиқадиган, истеъдоди бутун борлиғи билан намоён этиладиган мамлакатда, ажойиб замонда яшамоқдамиз. Турли миллатга мансуб меҳнаткашларнинг фарзандлари таълим олаётган институтимиз фаолияти ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Унинг аудиторияларида эртанги кунимизнинг бунёдкор, яратувчи, новатор кишилари — коммунизм қурувчилари, ишлаб чиқариш командирлари камол топмоқда. Биз ўзимизнинг бутун билимимиз, куч ва ғайратимиз, тажрибаларимизни ҳар жиҳатдан баркамол мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлида аямай сарфлайверамиз.

М. САЙДАЛИЕВА,
Фарғона политехника институти ректори.

АКАДЕМИК Л. И. СЕДОВНИНГ ТАСС МУХБИРИ БИЛАН СУҲБАТИ

Савол. ТАСС шу йил 25 январда «Космос-954» йўлдоши айланишдан тўхтаганлигини хабар қилган эди. Мана шу хабарни шарҳлаб берсангиз.

Жавоб. ТАСС ахборотида айтилганидек, шу йил 24 январда Москва вақти билан куннинг иккинчи палласида «Космос-954» йўлдоши атмосферанинг зич қатламларига кириб, Канаданинг шимолий қисми устида айланишини тўхтатди. Йўлдош космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш борасида амалга оширилаётган программамизга мувофиқ 1977 йилнинг 18 сентябрида Совет Иттифоқидан Ер атрофи орбитасига учирилганди. Йўлдош ичидаги системаларни энергия билан таъминлаб туриш учун унда одатдаги бойитилган «уран 235»да ишлайдиган чоғроқ ядро реактори жойлаштирилганди. Йўлдошнинг энергетик установкасининг портлаш хавфи йўқ эди. Бундан ташқари установка конструкциясида йўлдош атмосферанинг зич қатламларига кираётганида, унинг парчаланиб ёниб кетиши кўзда тутилган эди.

Шу йил 6 январда ҳозирча номаълум бўлиб қолаётган сабабларга кўра, бизнинг космик объектларни кузатувчи воситаларимиз кўриш зонасидан ташқарида йўлдошнинг герметиклиги тўсатдан бузилди. Герметикликнинг бузилиш жараёни тез ўтганлигига кўра йўлдош учаётганида табиий ёки сунъий тузилишдаги аллақандай бошқа бир жисм билан тўқнашган, деб фараз қилиш мумкин. Шунинг натижасида йўлдош ичидаги системалар ишдан чиққан, йўлдош ориентацияни йўқотиб, бошқариб бўлмайдиган ҳолда пасая бошлади. Уни яна бошқаришга неча бор қилинган уринишлар, таассуфки, натижа бермади.

«Космос-954» йўлдошининг учиши доимо кузатиб борилди. Йўлдош ичидаги системалар эслатиб ўтилганидек ишдан чиққанлиги муносабати билан бу кузатиш кучайтирилди. Координация-ҳисоблаш марказига йўлдошнинг атмосфера зич қатламларига қачон ва қаерда кириши мумкинлигини имкони борича аниқ қилиб белгилаш вазифаси қўйилди. Бунда йўлдошнинг бирон чет давлат территорияси устида айланишдан тўхташ имконияти аниқлангундек бўлган тақдирда шу давлатни барвақт хабардор қилиб қўйиш назарда тутилганди.

Прогнозларга кўра, «Космос-954» 24 январь, куннинг иккинчи ярмида жаҳон океанининг очиқ денгиз райони устида атмосферанинг зич қатламларига кириб, айланишдан тўхташи керак эди. Бизнинг кузатиш воситаларимиз кўрадиган кўламда пировард айланишлар бўйича чиқарилган ҳисоблар йўлдош авария ҳолатида бўлганлиги сабабли унинг айрим қисмлари атмосферада батамом ёниб битмай, ер юзига етиб борадиган бўлса, шу бўлаклар Алеут ороллари районида очиқ денгизга тушиши мумкинлигини ҳам кўрсатганди. Шу муносабат билан АҚШ ҳукуматига тегишли маълумот юборилган эди.

Йўлдош Канаданинг шимолий қисми устида айланишдан тўхтаганлиги тўғрисида хабар олиниши биланоқ, дарҳол Совет ҳукумати Канада ҳукумати билан алоқа боғлаб йўлдош айрим қисмларининг Канада территориясига тушиши мумкинлиги оқибатларини тугатишда ва шу қисмларни олиб чиқиб кетишда унга шошилинч ёрдамни таклиф қилди. Канада ҳукуматига йўлдош ва унинг энергетик установкаси тўғрисидаги маълумотлар шунингдек йўлдош қолдиқлари топилгудек бўлганда асқатадиган чоралар тўғрисидаги маълумотлар ҳам берилди. Шу билан бирга йўлдошнинг парчаланган айрим қисмлари ер юзига етиб боргудек бўлганида ҳам, чекланган маҳаллий булғаш, чунончи фақат шу парча бевосита тушган жойнинг ўзинигина ифлослантириши мумкинлиги ва бу нарса одатдаги дезактивация чораларини қўллашни талаб қилиши таъкидланганди. Канада территориясида «Космос-954» йўлдошининг бирон қисми деб ўйлаш мумкин бўлган бирон нарса топилгудек бўлса, Совет ҳукумати уларни идентификация қилиш учун дарҳол Канадага совет мутахассисларини юборишга тайёрлигини изҳор қилди.

Шундай қилиб, биз космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланишда халқаро ҳамкорлик принциплари ва руҳига мувофиқ «Космос-954» йўлдоши билан бўлган авария бизнинг бошқа давлатлар билан муносабатларимизни бирон йўсинда чигаллаштирмаслиги учун ўзимизга боғлиқ ҳамма ишларни қилдик ва қиляпмиз. «Космос-954» йўлдошининг айланишдан тўхташи муносабати билан вужудга келган масалалар юзасидан Канада ҳукумати билан мунтазам алоқалар ҳозирги вақтда ҳам олиб борилмоқда.

Шу нарса маълум бўлдики, йўлдош айланишдан тўхтаган райондаги изланишларни Канада мутахассислари АҚШ мутахассисларининг ёрдами билан олиб боришяпти. Шу изланишларнинг натижалари ҳозирча бизга маълум эмас. Биз йўлдошнинг атмосфера зич қатламларидан ўтишини кузатиш натижалари тўғрисидаги маълумотларга ҳам эга эмасмиз. Бундай маълумотлар йўлдошнинг айланишдан тўхташи билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида бир фикрга келишга имкон берган бўлур эди. Бундай маълумот биз учун ғоятда актуал, чунки йўлдош учишининг пировард босқичида совет кузатиш воситалари кўрадиган зонадан ташқарида бўлган эди.

Савол. ТАССнинг шу йил 24 январда берган ахборотига чет элларда баён қилинаётган фикрларга қандай қарайсиз?

Жавоб. Чет мамлакатларнинг кўпгина давлат арбоблари ва оммавий информация воситалари ТАСС ахборотини тўғри англашди ва «Космос-954» йўлдошининг авариясига бир ходиса, деб қарашдики, одамнинг космосни ўзлаштириш борасидаги фаолияти кўп жиҳатдан экспериментал характерда бўлган ҳозирги даврда таассуфки, бундай ҳодисалар бўлишига тамомила барҳам бериш мумкин эмас.

Аммо шундай шарҳчилар ҳам чиқиб қолдики улар «Космос-954» йўлдошини инсониятга аллақандай хавф-хатар, деб кўрсатиш ва шунинг асосида Совет Иттифоқи шаънига беҳуда айблар қўйишга уринмоқдалар. Йўлдош салкам учувчи ядро бомбаси эди, деган уйдирмалар ҳам пайдо бўлди. Битта катта агентлик бўлса, йўлдошнинг ядро установкаси гўё лазер тўпига манбалик вазифасини ўташи лозим эди, деган шов-шув кўтарадиган хабарни ҳам эълон қилди.

Бундай гапларнинг бемаъни ва зарарли эканлиги равшан. Совет Иттифоқи давлатларнинг космик фазо, шу жумладан Ой ва бошқа осмон жисмларини тадқиқ этиш ва улардан фойдаланиш борасидаги фаолият принциплари тўғрисида 1967 йилда тузилган шартноманинг моддаларини қатъий бажариб келмоқда. Шартнома Ер атрофидаги орбитага ядро қуроли ёки бошқа хил ялпи қирғин қуроли ортилган ҳар қандай объектларни чиқаришни тақиқлайди.

«Космос-954» йўлдошида албатта ҳеч қандай қурол-яроғ йўқ эди ва бўлиши ҳам мумкин эмасди. Унинг ичида чоғроқ ядровий энергетик установка борлигига келганимизда, бундай қурилмани Ер теварагидаги орбитага чиқариш имконияти халқаро ҳуқуққа кўра, бемалол рухсат этилади. Бундай энергетик установкалари бўлган йўлдошларни бундан аввал СССР ҳам, АҚШ ҳам неча бор космосга чиқариб келганлар. Космик объектларнинг энергия таъминоти учун ядровий установкалардан фойдаланиш зарурати очиқ-ойдин гап, чунки у энергия манбаидир, узоқ муддатли космик учишларни таъминлаш учун энг истиқболли ва самарали ҳисобланади.

Космик объектлар учун ядровий энергетик установкаларни яратишга уларнинг нормал ишлаш чоғида, шунингдек авария вазиятлари юз берганида радиацион хавфсизликни таъминлаш учун зарур ҳамма чоралар кўриб қўйилади, албатта. Бизнинг «Космос-954» йўлдошимизда ҳам шундай чоралар кўзда тутилганди. «Космос-954» йўлдошининг Канада шимолий қисми устида айланишдан тўхташи ушбу район аҳолисига хавф-хатар туғдирмаганлигини айтиб ўтмоқ лозим. Ичида ядровий энергетик установкалари бўлган йўлдошларнинг жаҳон космонавтикасига маълум авария билан қулаш бошқа ҳолларида ҳам кишиларга хавф-хатар келиб чиқмаган.

Пировардида шуни айтишни истардимки, «Космос-954» йўлдоши тўғрисида бемаъни мишмишларни тарқатиб, шу гаплар билан чайқовчилик қилишга уринаётганлар космосни тадқиқ этиш ва ундан фойдаланишда халқаро ҳамкорлик асосларини қўпориб, халқлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ишига жиддий зарар етказадилар. Космосда эришган ютуқларини бутун инсониятга бағишлаган Совет Иттифоқи космос турли мамлакат ва қитъалардаги кишиларни бир-бирларига яқинлаштиришга хизмат қилмоғи учун доимо курашиб келмоқда.

Суратда: (чапдан) «Каршииндустрия» бирлашмасининг керамзит заводи ёш ишчиларидан Василий Кудрин. У ВЛКСМ XVIII съездини меҳнатда янги зафарлар билан кутиб олмоқда. 4-разрядли бу электр пайвандчи смена топшириқларини ортиғи билан бажармоқда.

Ш. Шаропов фотоси.

Фарғона областидаги Чимён нефть кони коллективи 1978 йил юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун мусобақани авж олдириб юборди. Суратда: ер ости қудуқлари моҳир оператори Сотволди Тожиболаев. У зарбдор йил марраларини СССР Конституцияси кунигача бажармоқчи.

Н. Раҳмонов фотоси.

ТЎҒРИ ЙЎЛ — ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «ЛЕНИН ЙЎЛИДАН» НОМЛИ НУТҚ ВА МАҚОЛАЛАРИ ОЛТИНЧИ ТОМИНИНГ ЧОП ЭТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Совет жамияти ўз тараққиётининг етмишинчи йилига қадам қўйди. Жаҳон тарихи нуқтаи-назаридан қисқа вақт ичида асрларга тенг келадиган йўл босиб ўтилди: ривожланган, етук социализм барпо этилди, шахснинг ҳар томонлама камол топишига ёрдам берадиган инсонпарвар совет турмуш тарзи таркиб топди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сиёсий адабиёт нашриёти чоп этган «Ленин йўлидан» номли нутқлари ва мақолалари олтинчи томида Октябрь революциясининг ғалабасидан кейин ўтган 60 йилнинг якунлари, бу революциянинг инсоният тақдирига таъсири чуқур таърифлаб берилди. Шонли Ленин партияси раҳбарлигида коммунизм йўлидан муваффақиятли суръатда олға бораётган совет халқи бунёдкорлик меҳнати ва курашининг буюк тажрибаси умумлаштирилди. КПСС ички ва ташқи сиёсатининг актуал масалалари анализ қилинди, ривожланган социализмнинг ғоят мураккаб ва кенг кўламдаги вазифалари ҳамда бу вазифаларни ҳал этиш йўллари белгилаб берилди. Китобнинг мазмуни ана шундай. Ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларга илмий, ижодий ёндашиш — томга киритилган асарларга хос хусусиятдир. Бу асарлар марксизм-ленинизм назариясига қўшилган жуда катта ҳиссадир. Бу асарларда партия коллектив ақл-идрокининг самаралари, унинг КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасидаги ҳар томонлама ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишларининг тажрибаси ўзининг тўлиқ ифодасини топди.

1

Тўпламнинг мазмунини ўз ичига олган давр (1976 йил апрелидан тортиб 1977 йил декабргача ўтган давр) совет халқи ва Ленин партиясининг ҳаётида, жаҳон революцион жараёнининг ривожланишида муҳим тарихий босқичдир. Ўртоқ Л. И. Брежнев «Проблемы мира и социализма» журналида босилган мақоласида кўриб чиқилаётган даврнинг ана шу хусусиятини уқтириб ўтди: «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг олтмиш йиллиги Совет Иттифоқининг тарихида алоҳида ўрин олади. Бу — СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинган йилдир. Бу Конституцияда партия ва халқнинг Октябрь ғалабасидан кейинги бутун революцион-ўзгартирувчилик фаолияти якунлари акс эттирилди ва бундан буёнги коммунистик қурилишнинг ёрқин истиқболи кўрсатиб берилди» (662-бет). СССРда ривожланган социалистик жамият барпо этилганлиги ва бу жамият ўсиб, аста-секин коммунистик жамиятга айланаётганлиги асосий якундир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР янги Конституциясини қабул қилиш билан боғланган асарларида, «Улуғ Октябрь ва инсоният тараққиёти» ҳақидаги докладида, китобдаги бошқа материалларда ривожланган социалистик жамият концепцияси баён этилди. Ривожланган социалистик жамият тарихий зарурат бўлиб, коммунистик ижтимоий-иқтисодий формацияни қарор топтиришнинг қонуниятли босқичидир.

Ривожланган социалистик жамият қудратли, илғор индустрияга, юксак даражада механизациялаштирилган йирик қишлоқ хўжалигига таянади. Бу эса гражданларнинг хилма-хил эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондиришни ижтимоий тараққиётнинг асосий ва бевосита мақсади қилиб амалий равишда ўртага қўйиш имконини беради.

Етук социализм социал тараққиётнинг мураккаб вазифаларини ҳал этади. Миллионларча меҳнаткашлар ижтимоий ҳаётни ташкил этиш каби қийин фанни, шу жумладан халқ хўжалигини планлаштириш ва унга раҳбарлик қилиш фанини эгаллайдилар. Гражданларнинг онги янги, социалистик асосда шаклланади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев экономикадаги, социал муносабатлардаги, ривожланган социализм босқичи ўтган жамиятни сиёсий жиҳатдан ташкил этиш ва бу жамиятнинг маънавий маданиятидаги сифат жиҳатидан чуқур силжишларни очиб бериб, шундай хулоса чиқаради: совет жамияти социал бир хиллигининг ўсиб бораётганлиги ана шу барча ўзгаришларнинг муштарак мезонидир. Ишчилар синфи колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи янада мустаҳкамланди. Асосий социал гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар аста-секин барҳам топмоқда. Мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар ўз турмуши жараёнида бир-бири билан яқинлашмоқдалар. Кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи таркиб топди.

Буларнинг ҳаммаси ривожланган социализм ва унинг ўзигагина хос коллективчилик асосларида жамики ижтимоий муносабатларни қайта қуриш тугалланадиган давр деб ҳисоблаш имконини беради. Бунинг натижасида социализм қонунларининг амалда бўлиши учун, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида унинг афзалликларини намоён қилиш учун кенг имкониятлар очиб берилади, социал системанинг органик яхлитлиги ва динамизми, сиёсий стабиллик, бузилмас ички бирлик қарор топади.

Ривожланган социализм тўғрисидаги таълимотни илмий коммунизм соҳасидаги энг йирик назарий кашфиётлар билан тамомила бир қаторга қўйиш мумкин. Бунинг боиси шуки, Ф. Энгельс таъкидлаб ўтганидек, коммунистик жамиятга ўтиш босқичлари тўғрисидаги масала «Мавжуд бўлган ҳамма масалалардан кўра энг қийин масаладир...» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, 38-том, 108-бет). Бу таълимотни жуда ҳам салмоқли қилиб қўядиган ҳолат шуки, у конкрет сиёсий қарорларнинг назарий асоси бўлиб хизмат қилади, хўжалик, социал ва маданий қурилишнинг конкрет вазифаларини ҳал этишнинг илмий негизи, ғоявий-сиёсий ўзагидир.

Китобда партия билан халқнинг шу кунлардаги кўп қиррали фаолиятининг аниқ йўллари коммунистик бунёдкорликнинг асосий проблемалари таърифлаб берилган. Партия В. И. Лениннинг «Билим, техника, маданият бойлигига эга бўлмай туриб, коммунизм қуриш мумкин эмас» (Асарлар, 30-том, 146-бет) деб берган йўл-йўриқларини комил ишонч билан амалга оширмоқда.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ва бутун иш сифатини муттасил юксалтириш — экономикани ривожлантиришнинг марказий вазифасидир. Китобда таъкидлаб ўтилганидек, ўнинчи беш йиллик «Аввалги беш йилликлардан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Биз халқ хўжалигининг структурасида ва техникавий даражасида сифат жиҳатидан чуқур силжишларга эришиш, унинг бутун қиёфасини тубдан ўзгартиришни вазифа қилиб қўйдик» (113-бет). Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленумида, Тула шаҳрига қаҳрамон шаҳар Олтин Юлдузини топшириш пайтида, СССР Касаба союзларининг XVI съездида сўзлаган нутқларида, тўпламга киритилган бошқа материалларда, шунингдек ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленумида сўзлаган нутқида партиянинг, барча партия ташкилотларининг, совет, хўжалик, касаба союз органлари, меҳнат коллективларининг КПСС XXV съезди томонидан қўйилган ана шу вазифани ҳал этиш соҳасидаги иш программаси ҳар томонлама асослаб берилди. КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленумида сўзланган нутқ партия билан халқнинг беш йиллик учинчи йилида зўр ғайрат билан бажарадиган ишларига асос қилиб олинди.

Экономикамизни такомиллаштиришнинг асосий проблемалари — капитал қурилишни яхшилаш, қазиб чиқарувчи саноат, энергетика ва металлургия каби асосий тармоқларнинг самарадорлигини ошириш; қишлоқ хўжалигини янги техникавий-иқтисодий даражада юксалтириш; халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни миқдор ва сифат жиҳатидан ўстириш зарурлиги; меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан меҳнат ресурслари; ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлигини ошириш проблемалари кенг кўламда ва кескин қилиб қўйилди. Йўқотилиши лозим бўлган камчиликлар ҳақида бартараф қилиниши лозим бўлган қийинчиликлар тўғрисида большевикча ростгўйлик билан очиқ-равшан гапирилади.

Партиянинг бутун куч-ғайрати жамиятимизнинг ҳамма бўғинларида уюшқоқлик ва ишларни бир маромда олиб боришни бутун чоралар билан кучайтиришга, планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштиришга, хўжалик юритиш механизмини яхшилаш, бошқаришда ижтимоий ишлаб чиқаришимизга хос бўлган марказчиликни жойларнинг ташаббуси билан бирга қўшиб олиб боришга, ҳамма резервларни ишга солиш, қаттиқ тежамкорликка риоя қилиш, совет кишисининг меҳнати билан яратилган ва вужудга келтирилган ҳамма нарсани авайлаб сақлаш ва моҳирлик билан тасарруф қилишга қаратилган. Бу масалаларнинг ҳаммаси ўнинчи беш йилликда умумхалқ социалистик мусобақасининг диққат марказида турибди.

Меҳнат аҳлининг ижодий активлиги — энг асосий резервларимизнинг биридир. Новаторларнинг ҳар бир қимматли ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва ёйиш — партия ва жамоат ташкилотларининг, хўжалик ва совет раҳбарларининг бевосита бурчидир, дейилади китобда. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг меҳнатда жуда катта натижаларга эришган илғор ишчилар ва колхозчиларга, меҳнат коллективларига, шаҳарлар ва районларга, областлар ва республикаларга йўллаган табриклари партиянинг умумхалқ социалистик мусобақасини, меҳнаткашларнинг оммавий ташаббусини ривожлантиришга жуда катта эътибор бераётганлигини яққол исбот этади.

КПСС ва Совет давлатининг социал сиёсати, совет халқи турмушининг моддий ва маданий даражаси доим ошиб бораётганлиги, кишиларнинг меҳнат ва турмуш шароити яхшиланиб, профессионал тайёргарлиги ва билими ўсиб бораётганлиги жамиятимиз ижодий потенциалини оширишга ёрдам беради. Партия идеология ишини доим ва собитқадамлик билан такомиллаштиришга алоҳида муҳим аҳамият бермоқда. Идеология иши меҳнаткашларнинг онгини, уюшқоқлиги ва ижодий активлигини ҳамиша юксалтиришга кўмаклашади.

2

Совет сиёсий системаси, социалистик демократия ривожидаги янги босқич СССРда барпо этилган етук социалистик жамиятга мос бўлиб тушади. Пролетариат диктатураси тарихий функциясини бажарган совет социалистик давлатининг умумхалқ давлатига ўсиб ўтиши тўғрисида КПСС таърифлаб ва ҳар тарафлама асослаб берган хулоса марксизмнинг давлат тўғрисидаги таълимотига киритилган янги қоидадир. Ривожланган социалистик жамиятнинг принципиал сифат хусусиятларини анализ қилишга асосланган бу хулоса умумхалқ социалистик давлати тарихидаги биринчи Асосий Қонун — 1977 йилги Совет Конституциясида мустаҳкамлаб берилган.

Партия коммунизм қуришдан иборат умумхалқ иши ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида социалистик демократия ривожланган ва такомиллаштирилган тақдирдагина муваффақиятли амалга оширилиши мумкин, деган хулосага амал қилади. Худди мана шунинг учун ҳам ўртоқ Л. И. Брежнев **«Етук социализм босқичида, умумхалқ давлати шароитида мамлакат ҳаётини бошқаришда меҳнаткашлар оммасининг тобора кенг ва актив иштироки совет жамияти сиёсий ривожининг марказий йўналиши сифатида мустаҳкам қарор топди»** (629-бет), деб таъкидлайди. Фақат шу йўл билангина ҳар бир СССР гражданининг жамиятимиз бахт-саодати йўлидаги меҳнатга, ижтимоий бурчга онгли, масъулиятли муносабатини қарор топтириш мумкин.

Китобда Советларнинг фаолиятини яхшилаш ҳамда уларнинг омма билан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, халқ контроли, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари билан

халқаро воқеалар

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

⊙ ПРИБОРСОЗЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Болгария пойтахтида приборсозлик масалаларига бағишланган миллий конференция ўз ишини тамомлади. Конференцияда олимлар ва мутахассислар олиб борган тадқиқотларнинг натижалари ҳақида, янги приборларни ишлаб чиқиш ва қўллаш, электрон системалар ва автоматлаш воситалари тўғрисида гапирдилар.

Кейинги йилларда СССР билан ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам ҳамкорлик туфайли Болгария Халқ Республикасида приборсозлик халқ хўжалигининг муттасил ривожланиб бораётган тармоқларидан бири бўлиб қолди. Болгария приборларидан «Интеркосмос» йўлдошида ва «Вертикаль» геофизик ракетасида фойдаланилаётганлиги Болгария приборларининг юксак сифатли эканлигидан далолат бермоқда.

⊙ ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАСИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА

Венгриянинг Печ шаҳрида саноат ва уй-жой қурилишини бошқаришнинг электрон-ҳисоблаш машинасини қўллашга асосланган янги системаси амал қила бошлади. Бу система республикадаги муҳим халқ хўжалик объектларини, шу жумладан Пакш атом электростанциясини қуришда қатнашаётган 20 дан ортиқ қурилиш ташкилотларининг ишларини анча енгиллаштиради.

Жуда катта территориядаги барча қурилиш ишлари комплексини ягона электрон-ҳисоблаш марказидан туриб бошқариш меҳнат унумдорлигини 30 процентдан зиёд оширишга, объектларни қуриш суръатларини анча тезлаштиришга, ишчи кучи ва қурилиш материалларидан яхшироқ фойдаланишга имкон беради.

ВХР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ ҳозирги вақтда электрон-ҳисоблаш машиналари паркидаги 400 машина 1980 йилга бориб 700 тага етади. Бу вазифа электрон-ҳисоблаш машиналарининг ягона системасини яратишда қатнашаётган бошқа қардош мамлакатлар билан мустаҳкам ҳамкорликда ҳал этилади.

⊙ ҚУРИЛИШЛАРГА КОМСОМОЛ ОТАЛИҚ ҚИЛМОҚДА

Гавана билан Сантьяго-де-Куба миллий темир йўлини реконструкциялаш ишлари Кубада жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Қарийб 900 километр узунликдаги бу транспорт йўли пойтахтни мамлакатнинг шарқи-шимолий районлари билан туташтиради.

Куба ёш коммунистлар союзи республиканинг мана шу ривожланаётган районидаги барча қурилишларни ўз оталиғига олди. (ТАСС).

ВСР ҳукуматининг баёноти

⊙ **ХАНОЙ.** Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукуматининг Вьетнам билан Кампучия ўртасидаги муносабатларга доир баёноти бу ерда эълон қилинди.

Баёнотда айтилишича, ВСР ҳукумати Вьетнам билан Кампучия ўртасидаги муносабатларни тезроқ тартибга солишни истаб, қуйидагиларни таклиф этади:

— Чегара районларида душманлик руҳидаги уруш ҳаракатларининг ҳаммасини дарҳол тўхтатиш керак; томонлардан ҳар бирининг қуролли кучлари ўз территориясидаги чегарадан беш километр ичкари томондаги линияга чекиниши керак.

— Музокаралар олиб бориш учун ва бир-бирининг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини ҳурмат қилиш, ҳужум қилмаслик, ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик ҳамда бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принципини ҳурмат қилиш, бир-бирига қарши қўпорувчилик ишларидан воз кечиш, тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш, тинч ва дўст бўлиб яшаш, яхши қўшничилик муносабатларини сақлаш мажбурияти олинган шартномани имзолаш учун Ханойда ёки Пномпенда ёхуд ҳар икки мамлакат ўртасидаги чегарада дарҳол учрашувни ташкил этиш лозим.

— Мавжуд чегара чизиғи доирасида бир-бирининг суверенитети ва территориал бутунлигини ҳурмат қилиш асосида икки мамлакат ўртасидаги чегара хусусидаги шартномани имзолаш керак.

— Халқаро гарантия ва халқаро назоратнинг тегишли формалари тўғрисида аҳдлашиб олиш лозим. (ТАСС).



ШРИ ЛАНКА РЕСПУБЛИКАСИ.

СУРАТДА: Канди яқинидаги студентлар шаҳарчаси.

ТАСС фотохроникаси.

БИРГАЛИКДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ПРОГРАММАСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

⊙ **ЖАЗОИР.** Жазоир пойтахтида бир қанча араб давлатлари бошлиқлари ва уларнинг вакиллари, шунингдек Фаластин озодлик ташкилотининг кенгаши ўз ишини тамомлади.

Жазоир, Сурия, Ливия, Демократик Яман ва Фаластин Озодлик ташкилотининг делегациялари Яқин Шарқдаги вазиятни кўриб чиқдилар. Миср президенти Садатнинг сепарат ҳаракатлари натижасида Яқин Шарқдаги вазият анча мушкуллашди.

Жазоирдаги кенгашга яқин турган доиралардан маълум бўлишича, кенгаш қатнашчилари Триполи кенгашининг қарорларини амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирларни қабул қилганлар. Улар, жумладан биргаликда ҳаракат қилиш хартиясини тасдиқлаганлар. Бу хартия кенгашда қатнашувчи мамлакатларнинг бирлашган қўмондонлигини вужудга келтиришни, Исроилга бевосита қарши турган мамлакатларга молиявий ёрдам ва бошқа йўл билан кўмак бериш фондини вужудга келтириш, шунингдек қўшма ахборот органини тузишни кўзда тутади.

Яқин Шарқ проблемасини таслимчилик руҳида сепарат йўл билан ҳал этишга қарши курашнинг муштарак фронтини тузиш масалалари кенгаш қатнашчиларининг диққат марказида турди.

Кенгаш давомида Яқин Шарқ можаросини бартараф қилишда Совет Иттифоқининг роли, можарони бартараф қилишнинг ҳамма босқичларида СССРни қатнаштириш зарур эканлиги алоҳида уқтириб ўтилди. (ТАСС).

СЕПАРАТ ЙЎЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Кемп-Дэвидда АҚШ президенти Ж. Картернинг Миср президенти Садат билан олиб борган музокаралари тамом бўлди.

Президентнинг шаҳардан ташқаридаги қароргоҳида бўлиб ўтган музокаралар тўғрисидаги расмий хабарларда кўп нарса яшириб қолдирилди. Мухбирлар музокаралар тамом бўлгандан кейин Садат «хўмрайган ва маъюс» бўлиб кўринганлигини, илгари мўлжалланган матбуот конференциясида сўзга чиқишдан воз кечганлигини таъкидлайдилар. Бунга унинг океан орқасига қилинган сафардан кутган умидлари пуч бўлиб чиққанлигини кўрсатади, деб баҳо берилди. Қоҳиранинг расмий доиралари Ж. Картер Исроилнинг ақалли «ясама» ён босиши тўғрисида Садатнинг талабларига рози бўлиши ва Миср раҳбарларининг таслимчилик йўлини афкор омма олдида оқлаши учун Тель-Авивга таъсир қилади, деб кутганлиги бу ерда уқтириб ўтилади.

Аммо АҚШ президенти Қўшма Штатлар Исроилга нисбатан тутган сиёсатини сира ҳам ўзгартирмайди, деб Садатга равшан маълум қилди. «Нью-Йорк дейли Ньюс» газетаси «АҚШдаги, шу жумладан конгрессдаги Исроил тарафдорларининг сиёсий ҳокимиятига нисбатан Ж. Картер ғоят сезгир эканлигини» ва шунинг учун ҳам у «Исроилга тазйиқ ўтказишни истамаслигини» уқтириб ўтади.

«Нью-Йорк таймс» газетаси музокара иштирокчиларининг айтган гапларига асосланиб, Қўшма Штатлар арабларнинг Исроил босиб олган барча территорияларни қайтариб бериши тўғрисидаги талабларини қўллаб-қувватламаганлигини ва фаластинликларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш концепциясини Қўшма Штатлар маъқуллай олмаслигини билдирганлигини уқтириб ўтади.

Матбуот хабарларига кўра, Исроил билан Миср ўртасида тил бириктиришнинг Миср учун ён босувчиликдан иборат эканлигини бир оз бўлса-да ниқоблаш мақсадида Қўшма Штатлар Мисрга Американинг қирувчи «Ф-5 Е» самолётларини етказиб бериш тўғрисида Садатнинг илтимосини қисман қондиришга тайёр эканлигини билдирди. Айни вақтда Исроилга ҳам замонавий қурол-яроғлар етказиб бериш кўпайтирилади. Обзорчилар Мисрга Американинг қирувчи самолётларини сотиш тўғрисидаги қарор Садатни Тель-Авивга янада ён босишга мажбур этиши керак, деб уқтириб ўтмоқдалар.

Оқ уй Кемп-Дэвидда бўлиб ўтган учрашувлардан кейин узундан-узоқ баёнот эълон қилди. Бу баёнот АҚШнинг сепарат музокараларни тезлатиш ниятида эканлиги тўғрисидаги баландпарвоз гаплардан иборат.

Гарчи Қоҳира раҳбарлари Женева конференциясини чақириш Миср дипломатиясининг энг асосий мақсади, Миср билан Исроил ўртасида ҳозирги вақтда олиб борилаётган музокаралар шундай конференцияга тайёргарликдангина иборат, деб бутун дунёни ишонтиришга уринаётган бўлсаларда, уларнинг бутун гап-сўзлари тайёрланаётган тил бириктиришнинг сепарат руҳда эканлигини ниқоблашдан бошқа нарса эмас. АҚШнинг фикрича, Женева конференцияси мабодо у чақириладиган бўлса, Исроил билан Миср ўртасидаги сепарат музокаралар давомида тузилган тил бириктиришни маъқуллашгина керак. Бу эса, араб мамлакатлари билан Совет Иттифоқининг Женева конференцияси тўғрисидаги фикрларига тамомила хилофдир. Яқин Шарқ проблемасини Америка билан Исроил истагандек «ҳал этишга» уриниш очиқдан-очиқ кўриниб турибди.

МАОЧИЛАР СИЁСАТИНИНГ БОШИ БЕРК КЎЧАСИ

Венгрия Социалистик ишчи партиясининг марказий органи «Непсабадшаг» газетаси Хитойдаги ҳозирги аҳволга бағишланган мақолани босиб чиқарди.

«Непсабадшаг» газетаси бундай деб ёзади: Мао Цзэ-дун ўлгандан кейин айниқса ўтган йили ёзда бўлиб ўтган ХКП-нинг XI съездидан кейинги даврда Хитойда ҳамма хатолар ва муваффақиятсизликлар учун жавобгарликни «тўртлар шайкаси» зиммасига юкламоқдалар, уларнинг тарафдорларини эса ҳамма даражадаги раҳбарлик лавозимларидан суриб чиқаришга интилмоқдалар. Айни вақтда «маданий революция» йилларида мақталган «улуғ ларзалар» ўрнига мамлакатда «умумий тартиб» ўрнатишга даъват этмоқдалар.

Мао Цзэ-дун ўлгандан кейин ҳокимият учун курашаётган Хитойнинг ҳозирги раҳбарлари ҳозир мамлакатдаги оғир аҳволдан қутулиш учун буни бирдан-бир йўл деб ҳисобламоқдалар. Шу муносабат билан бу раҳбарлар маочиларнинг сиёсатига баъзи ўзгартишлар киритмоқдалар.

«Тўртлар шайкаси» ҳокимиятдан четлаштирилгандан кейин маоизмнинг барча хатолари ва жиноятлари учун жавобгарлик уларнинг зиммасига юклатилди. Айни вақтда Хитойда тартиб ўрнатишга, экономикани такомиллаштиришга, ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган бир қанча шиорлар ва тадбирлар илгари сурилди, аҳолининг турмуш даражасини ошириш тўғрисида гап-сўз бормоқда.

Шундай бир савол келиб туғилади: хўш, бу тадбирларга қандай баҳо бериш керак? Бу ҳақиқатан ҳам сиёсатни тубдан ўзгартиришнинг бошланишими ёхуд шунчаки хўжакўрсинга қилиняптими?

Ҳозир баъзи бировлар Хитойда Хитойнинг миллий хусусиятларига мувофиқ бўлган социализмга қайтишга олиб борадиган чинакам ўзгаришлар юз бермоқда, деб даъво қилмоқдалар.

Лекин маоизм марксизм-ленинизмдан «чекиниш» эмас, деб таъкидлайди «Непсабадшаг». Маочилар идеологияси ишчилар синфининг илмий назарияси эмас, балки майда буржуа ғояларининг, илмий социализмга ёт ва душман бўлган майда буржуа ғояларининг қоришмасидир. Худди мана шу маочилар идеологияси ва шу асосда ривожланган сиёсат Хитойни боши берк кўчага олиб кирди. Мамлакат мана энди 20 йилдан бери тинмай кескинлашиб бораётган ички ва ташқи проблемаларга дуч келмоқда. Шунинг учун ҳам «тўртлар шайкаси»нинг сиёсатигина Хитойни танглик ка олиб келди, деган фикр нотўғридир. 50-йилларнинг охирларидаёқ машъум «катта сакраш» маочи раҳбарларнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий тузум соҳасидаги программасининг асоссиз ва хато программа эканлигини кўрсатган эди. Бутун маочилар сиёсатининг танг аҳволда эканлиги мана шу муваффақиятсизликда ўз ифодасини топди.

Хитой экономикасидаги кризисни тугатиш учун «ХХР шу асрнинг охирларида ривожланган мамлакатлар даражасига етиб олади» деган шиорни мақтанчоқлик билан эълон этишнинг ўзи кифоя қилмас эди. Бунинг учун иқтисодий сиёсатни чуқур ва танқидий кўз билан анализ қилиш, маочилар догмаларидан воз кечиш, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда реал планлар тузиш керак эди. Аммо Пекиннинг ҳозирги раҳбарлари олиб бораётган сиёсатда ҳатто муваффақиятсизликлар ва ўпирилишларнинг ҳақиқий сабабларини очиб ташлашга уриниш ҳам кўринмайди. Уларда иқтисодий ривожланишнинг конкрет реалистик программаси ҳам йўқ.

Пекиннинг ҳозирги раҳбарлари бундан кейин ҳам Хитойнинг бутун дунёда ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган уринишларини давом эттирадиган бўлса мамлакатни хонавайрон қиладиган жуда катта маблағлар илгаригидек армияни буюк давлатчилик шовинистик мақсадларга эришиш қуролига айлантиришга қаратиладиган бўлса, мамлакатни у ҳолда маочилар гирдобидан чиқариш мумкин эмас. Хитой раҳбарлари бундан кейин ҳам социалистик мамлакат ҳамдўстлигини парчалаш мақсадида, халқаро коммунистик ҳаракат бирлигига путур етказиш мақсадида энг реакцион кучлар билан, империалистик давлатлар билан апоқ-чапоқ бўладиган бўлса, у ҳолда мамлакат боши берк кўчадан чиқолмайди.

Афсуски, Пекин амалда худди шундай сиёсат олиб бормоқда. Кампучия раҳбарларининг социалистик Вьетнамга қарши агрессив авантюрасини Хитойнинг қўллаб-қувватлаётганлиги буни исбот этувчи яна бир далилдир.

Маонинг ўлими ва «тўртлар шайкаси»нинг ҳокимиятдан четлаштирилиши маочилар йўлидан воз кечишга, буюк давлатчилик муддаоларидан воз кечишга олиб келмаганлигини ҳамма воқеалар кўрсатиб турибди. Хитойнинг янги раҳбарлари маочилар йўлини давом эттиришга уринмоқдалар.

Кейинги ойларда Хитойда «маданий революция» йилларида лаънатланган бир қанча кишилар яна сиёсий майдонга чиқиб қолдилар. Гап Хитой халқининг манфаатларини ҳақиқатан ҳам қаттиқ туриб ҳимоя қилувчи кишилар тўғрисида борган тақдирдагина бу факт сиёсатда ҳақиқий ўзгаришларни билдириши мумкин эди. Лекин бу арбобларнинг ўзлари маочилар миллатчилик сиёсатининг маддоҳларидир. Интернационалист кадрлар эса оқланмай қолди.

Хитойда ҳокимият учун кураш ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Раҳбарларнинг бир туркуми прагматиклар деб аталганларни тезроқ оқлашга ва «экстремистлар»ни бартараф этишга уринаётган ҳолда, иккинчи туркуми бу жараённи секинлаштиришга интилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда мана шу икки йўналишнинг тарафдорлари ўртасида кураш кучайиб бормоқда.

Хитой тарихида ҳақиқий бурилиш енгиллик билан юз бермайди. Чунки маочилар сиёсатининг чалкашлиги партиявий ходимлар ўртасида мослашувчилик, мунофиқлик ва шуҳратпарастлик кайфияти тарқалишига сабаб бўлди. Талаб қилинса, бу ходимлар Лин Бяони мақтаб кўкларга кўтарадилар агарда бунга тескари буйруқ берсалар уни душман деб эълон қиладилар, керак бўлса «тўртлар шайкаси»ни мақтаб чиқадилар, агарда хавфли кўринса, улар ўзларини «тўртлар шайкаси»нинг қурбонлари деб кўрсатадилар.

Айни вақтда партияда шу ходимлар билан бир қаторда рўй-рост гапириш имкониятига эга бўлмаган, ўз мамлакатини илмий социализм йўлига қайтаришга уринаётган кишилар ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар орасида бор, чунки фақат шу йўлдан борган ва марксизм-ленинизм ғояларига амал қилган тақдирдагина Хитой олдида турган вазифаларни ҳал этиш, Хитой халқининг социалистик истиқболини ва гуллаб-яшнашини таъминлаш мумкин.

(ТАСС).

алоқасини мустаҳкамлаш проблемалари батафсил ва конкрет равишда қараб чиқилган.

Социализм билан демократия бир-биридан ажралмасдир. Партиянинг, ўртоқ Л. И. Брежневнинг ташаббуси билан, унинг бевосита иштирокида ишлаб чиқилган ССР Иттифоқининг янги Конституцияси меҳнаткашларга мислсиз даражада кенг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ва сиёсий эркинликлар беради ҳамда уларнинг амалга оширилиши учун мустаҳкам гарантияларни назарда тутади. Шу билан бирга СССРнинг янги Конституцияси гражданларнинг ҳуқуқлари билан бурчлари узвий бирлиги, уларнинг бир-бирига мувофиқлиги принципини тасдиқлайди. «Бизнинг демократиямиз гражданларнинг, уларнинг вакиллари ва ташкилотларининг сиёсий, иқтисодий, маънавий активлиги учун кенг майдон очиб, бу активликни бутун халқ, бутун жамият манфаатдор бўлган мақсадларга эришишга йўналтириб туради» (634-бет).

Бутун совет сиёсий системасининг раҳнамо ва йўналтирувчи кучи бўлган Коммунистик партия социалистик демократияни янада такомиллаштиришда асосий ташаббускор бўлиб чиқмоқда ва шунга гарантия бермоқда. Партия СССР Конституцияси берган ҳуқуқлардан барча совет кишилари тўла равишда фойдаланишлари, шу ҳуқуқларни меҳнаткашларнинг ўзлари яхши билиб олишлари ва улардан фойдаланишлари учун, омманинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ўсиши учун ҳамда жамият ва давлатнинг ишларини бошқаришда уларнинг тобора кенг иштироки ўз ифодасини топиши учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Партия демократияни ривожлантиришга рағбатлантирган ҳолда, ўзи ҳам Конституция асосида социалистик демократизм принципларига мувофиқ иш кўрмоқда. «Барча совет кишилари сингари совет коммунистлари ҳам, — деб уқтириб ўтади ўртоқ Л. И. Брежнев, — бизнинг давлатимизда ва жамиятимизда КПСС нинг раҳбарлик роли Конституцияда мустаҳкамлаб берилганлиги партия учун қандайдир бир имтиёз эмаслигини яхши тушунадилар. Аксинча бу партияга оширилган масъулият юклайди, чунки КПСС ўзининг йўналтирувчилик ролини ҳокимият кучи билан эмас, балки ўзининг юксак сиёсий обрў-эътибори ва оммага ғоявий таъсири туфайли амалга оширади» (635-бет).

Китобда СССР янги Конституциясининг жуда катта халқаро аҳамияти, социализмнинг, социалистик демократиянинг, совет турмуш тарзида мужассамланган амалий, реал инсонпарварлик намунасининг буюк жозибадор кучи кўрсатиб ўтилган.

3

«Ленин йўлидан» китобининг олтинчи томида конкрет халқаро проблемаларни анализ қилиш марксча-ленинча назарияни ривожлантиришнинг туб қоидалари билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда Улуғ Октябрнинг жаҳоншумул тарихий аҳамияти, инсониятнинг прогрессив тараққиёти учун реал социализм муваффақиятларининг ҳар томонлама очиб берилган, жаҳон социализмининг яхлит тажрибаси, ижодий таҳлил этилган, жаҳонни революцион тарзда янгилашнинг бундан буёнги йўли, планетамизда тинчлик учун курашнинг истиқболлари илмий баён этиб берилган.

Улуғ Октябрнинг халқаро натижаларидан энг асосийси — жаҳон социализм системасининг вужудга келиши ва ривожланиши бўлди. Шу боисдан китобда муштарак мақсадлар ва манфаатлар билан, ўртоқларча бирдамлик ва ўзаро ёрдам ришталари билан жипслашган социалистик давлатларнинг иттифоқи, дўстлиги ва ҳамкорлигига биринчи даражали эътибор берилиши қонунийдир. Том материалларида социализм мамлакатларининг мустаҳкам ҳамкорлиги бутун ҳаётимизнинг таркибий қисми бўлиб қолаётганлиги, қардошларча алоқаларни йўлга қўйишда меҳнаткашлар оммасининг ўзи бевосита актив иштирок этаётганлиги ишонарли тарзда кўрсатиб берилган.

Социалистик давлат қурилишининг коллектив тажрибаси тўпланиши жараёнида илмий асосланган ва практикада синаб кўрилган йўналишлар ишлаб чиқилиб, улар турли мамлакатларнинг конкрет шарт-шароитларида янги жамиятнинг шаклланиши ва ривожланиши мураккаб проблемаларини ҳал этишда тўғри йўлни танлаб олишга ёрдам бермоқда.

Китобда социалистик революция ва социалистик қурилишнинг умумий туб, ажралмас хусусиятлари назарий умумлашган тарзда баён этилади. Булар конкрет формаларнинг барча хилма-хиллигида қолаверади ва ўз кучини сақлайверади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг социализм қураётган мамлакатларнинг специфик шарт-шароитлари қандай бўлмасин, унинг ўз негизида такомиллашиш босқичи — етук, ривожланган социалистик жамият босқичи социал ўзгаришларнинг зарур бўғини сифатида, капитализмдан коммунизм сари ривожланишдан иборат тараққиётнинг нисбатан узоқ йўлида зарур босқич бўлиб қолади, деган хулосаси принципиал муҳим аҳамиятга эгадир, бунда ривожланган социализм имкониятларини билиб олиш ва ундан фойдаланиш айни пайтда коммунизм қурилишига ўтишни ҳам билдиради.

Жаҳон социализми тараққиётининг яхлит тажрибасидан келиб чиқиб қилинган муҳим назарий хулосалар носоциалистик мамлакатлар ижтимоий тараққиёти истиқболларини белгилашда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бинобарин, капитализмнинг умумий кризиси чуқурлаша борган сари омманинг тубли ўзгаришлар қилишга бўлган интилиши ўсиб бораверади. Социализмга ўтишнинг объектив иқтисодий ва социал-сиёсий шарт-шароитлари етукликнинг юксак даражасига кўтарилди. Социализм инсониятнинг бундан буёнги тараққиётининг объектив шарти ва ғоят зарур эҳтиёжи бўлиб қолди.

Халқаро коммунистик ҳаракат тарихда буюк роль ўйнашга даъват этилган кучдир. Капитализмнинг умумий кризиси чуқурлашаётган, буржуазия ўзининг позицияларини мустаҳкамлаб қолиш, омманинг социализмга бўлган интилишини бўшаштириш учун ҳийла-найранглар ишлатаётган шарт-шароитда компартиялар ўзларининг революцион кураш стратегия ва тактикасини такомиллаштиришга интилмоқдалар. Коммунистларнинг вазифаси — оммани асосий мақсадга — социализмга йўллашдан иборат бўлиб, бу олижаноб мақсадга эришиш учун, деб таъкидланади китобда, тактик ютуқларни деб принципларни қурбон қилиш асло ярамайди. Мана шу асосий принциплардан бири — пролетар интернационализмидир. Жаҳон коммунистларининг буюк қардошлигига содиқ бўлган КПСС бу принцип бизнинг давримизда ҳам ўзининг буюк аҳамиятини тўла-тўкис сақлаб қолмоқда, компартияларнинг қудратли ва синалган қуроли эканлигини ҳамиша эслатиб келмоқда.

Шу билан бирга, деб таъкидланади китобда, бошқа марксчи-ленинчи партиялар каби бизнинг партиямиз ҳам коммунистик ҳаракатда умум қабул қилинган принципларга — тенглик, мустақиллик, ички ишларга аралашмаслик принципларига қаттиқ риоя қилмоқда.

Миллий озодлик ҳаракати билан бирдамлик мавзуи китобнинг бошдан охиригача сингиб кетган. Империализмнинг мустамлакачилик сиёсати унинг классик формасида тугатилиши оламшумул-тарихий аҳамиятга молик воқеа сифатида характерланади. Мустамлака меросининг емирилиш жараёни тобора кучаймоқда. Кўпчилик озод бўлган мамлакатларнинг прогрессив ривожланиш жараёни дадил давом этмоқда, халқаро ҳаётда уларнинг роли ошмоқда. Эксплуататор унсурлар ва уларнинг чет эл ҳомийлари билан шафқатсиз олишув жараёнида ёш давлатларнинг сиёсатида тўғри йўлдан четга чиқиш ва ҳатто ҳаракатга тўғаноқ бўлиш эҳтимолдан холи эмас. Бундай четга чиқишларнинг янги мисолларини баъзи Яқин Шарқ мамлакатларида кўриш мумкин. Бироқ ривожланишнинг бош йўли шубҳасиздир. Томнинг кўпгина материалларида халқларнинг мустақил ривожланишга, миллий ва социал тараққиётга интилишини ҳеч нима тўса олмаслигига ишонч билдирилган.

Уруш ва тинчликнинг жуда муҳим проблемалари томдан катта жой олган. Бу проблемаларни назарий ва сиёсий жиҳатдан ишлаб чиқишда, СССРнинг ҳозирги ташқи сиёсат йўлини шакллантириш ва амалга оширишда ўртоқ Л. И. Брежневнинг роли жуда катта. Актуал проблемаларни баҳолашда ленинча принципиаллиги, жаҳон майдонидаги янги тенденцияларни илмий тушуниши, халқаро ҳаётнинг мураккаб воқеаларидан асосий моментларни белгилаб ола билиши, тинчлик ва халқлар хавфсизлигининг улуғ ишини сақлаб қолишда изчиллик ва қатъият кўрсатиши, ташқи сиёсат масалаларини ҳал этишга ўткир зеҳн билан ёндашиши унинг ялпи тинчликни мустаҳкамлашдаги ҳормас-толмас фаолиятида намоён бўлади.

Олтинчи том материалларида халқаро иқлимни тубдан соғломлаштириш учун Совет Иттифоқи олиб бораётган тинимсиз курашнинг ёрқин манзараси очиб берилган. КПСС Марказий Комитети, унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси партиямиз XXV съездининг мустаҳкам тинчлик учун курашдаги куч-ғайратни муттасил ошириш ҳақидаги топшириғини нечоғли қатъият ва изчил амалга ошираётганлигини китобхон яққол кўриб олади. Съезднинг тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги олиб бориладиган кураш программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда; бу программанинг амалга оширилиши туфайли кўплаб муваффақиятларга эришилди.

Тинч-тотув яшаш принциплари халқаро ишларда бирдан-бир реалистик ва оқилона принциплар сифатида жуда мустаҳкам қарор топди. Ер куррасидаги яхши ўзгаришлар кўзга кўринарли ва конкретдир. Ҳарбий авантюраларни қўмсовчиларнинг йўлига ҳуқуқий ва ахлоқий-сиёсий тўсиқ қўювчи адолатли давлатлараро муносабатлар тан олиниб, халқаро ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Ҳозирча оддий бўлса ҳам эришилган дастлабки шартномалар қуролланиш пойгасининг баъзи каналларини тўсиб қўймоқда. Турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасида тинч ҳамкорлик ва кўп соҳаларни қамраб олувчи шартномалар кенгаймоқда.

Китобда халқаро вазиятнинг зиддиятли эканлиги илмий жиҳатдан таҳлил этилади. Тинчликни мустаҳкамлаш имкониятлари муттасил ўсиб бормоқда. Шу билан бирга, хавф-хатар ҳам, хавф-хатарга ундаётганлар ҳам кўпаймоқда. «Халқаро муносабатлар, — дейди ўртоқ Л. И. Брежнев, — ҳозирги вақтда бамисоли икки йўл ёқасида — ё ишонч ва ҳамкорликни кўпайтиришга олиб борадиган йўл, ёхуд ўзаро даҳшатга тушиш, шубҳаланишнинг авж олиши, қурол-яроғларни тўплаш йўли ёқасида турибди. Бу йўллар оқибат натижада ё мустаҳкам тинчликка, ёхуд жилла бўлмаса уруш хавфи ёқасига олиб келиши мумкин. Кескинликни юмшатиш тинчлик йўлини танлаш имконини беради» (595-бет).

Том саҳифаларида халқаро сиёсатда агрессив йўл олиб бораётган Ғарбнинг милитаристик кучлари активлашаётганлиги далиллар асосида фош этилади. НАТОнинг қуролланиш пойгасини зўр бериб авж олдириб юборганлиги инсоният учун ниҳоятда хавфли тенденциядир. Уруш олиб боришнинг янгидан-янги ваҳшиёна воситалари, нейтрон бомба сингари воситалар пайдо бўлаётганлиги оқибатида бу тенденция тобора хавфли бўлиб қолмоқда. Шуниси характерлики, Ғарб қуролланиш пойгасини турли антисовет, антикоммунистик кампанияларга боғлаб олиб бормоқда. Китобда бу кампанияларнинг тутуруқсизлиги, риёкорлиги ишонарли тарзда кўрсатиб берилади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев қуролланиш пойгасини тўхтатишни ғоят зарур, сира кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлигини таъкидлайди. Бунда ҳозирги вақтда жаҳонда давлатларнинг куч-ғайратини қуролсизланиш ишида ижобий бурилишни таъминлашга сарфлаш учун муҳим омиллар мавжудлиги ҳақида муҳим реалистик хулосага келинади. Социализм ва тинчлик кучлари шундай қудратли таъсирга эгаки, замонамизнинг туб масалаларини ҳал этиш йўлида имконият нуқтаи назарига томон силжиш бўлмоқда.

Китобхон қуролланишни чеклаш ва қуролсизланиш йўлида СССРнинг бутун бир комплекс ташаббуслари, конкрет ва реалистик таклифларини саҳифалардан билиб олади. Кўпгина халқлар ва давлатлар совет ташаббусларини маъқуллаб кутиб олишди; уларнинг кўплари масъулиятли халқаро анжуманларда муҳокама этилди. Эндиликда энг муҳими шундан иборатки, деб таъкидлайди ўртоқ Л. И. Брежнев, қуролсизланиш ҳақидаги музокаралардан қуролсизланиш бўйича реал қадамлар ташлаш керак.

Тинчлик ва тараққиёт учун атоқли курашчининг китоби асосли фалсафий оптимизм, инсониятнинг порлоқ келажагига мустаҳкам комил ишонч руҳи билан суғорилган. «Биз социализм, унинг у ёки бу конкрет тарихий шароитдаги формаси ер юзида устунлик қилувчи ижтимоий система бўлиб қоладиган давр сари бормоқдамиз, ўзимиз билан бирга тинчлик, озодлик, тенглик ва бутун меҳнаткаш инсониятга фаровонлик элтмоқдамиз» (598-бет).

* * *

Ўртоқ Л. И. Брежнев асарларининг олтинчи томи КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раисининг партиямиз революцион назарияси ва сиёсатини ривожлантиришга, улуғвор коммунистик қурилиш планларини ишлаб чиқишга қўшган улкан ижодий ҳиссасини ёрқин кўрсатиб беради. КПСС ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ҳаракат атоқли арбобининг хизматлари Л. И. Брежнев туғилган кунининг 70 йиллигини байрам қилиш кунларида кенг эътироф этилди. Меҳнаткашлар партиямизнинг халқ манфаатлари ҳақида, коммунистик қурилиш самарадорлиги тўғрисида ғамхўрлик билан суғорилган ва партиянинг кейинги съездларида ишлаб чиқилган самарали йўлини, партиянинг ички ва ташқи сиёсатдаги муваффақиятларини унинг номи билан боғламоқдалар.

«Ленин йўлидан» тўпламининг янги томини китобхонлар зўр эътибор билан кутиб олиши шубҳасиздир, бу том коммунистлар ва барча совет кишиларини ғоявий жиҳатдан яхшироқ қуроллантиришга хизмат қилади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарлари социалистик жамиятимиз ҳаёти қонуниятларини, халқаро муносабатлар тенденциялари ва йўлларини чуқур ўзлаштириб олиш, Ленин партиясининг коммунизм моддий-техника базасини барпо этиш, ижтимоий муносабатларни янада такомиллаштириш, янги, ҳар жиҳатдан камол топган инсонни вояга етказишдан иборат буюк ишга раҳбарлик қилишдаги жуда катта фаолиятини тўлалигича гавдалантириш имконини беради.

(«ПРАВДА» газетасининг 1978 йил 3 февралдаги редакцион мақоласи).

МЕҲНАТ КИШИНИ УЛУҒЛАЙДИ

«Октябрдан нур эмган ўлкамизда меҳнат кишини улуғлаб, бахт ва шодлик чашмасидан тўла баҳраманд этмоқда. Оддий ўзбек ўқитувчиси Оқилхон ака Шарофиддиновнинг ибратли умр йўли бунга ёрқин мисол бўла олади».

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, маорифимиз ветеранларидан бири Аъзамхон Рустамовнинг ўз ҳамкасби ҳақидаги бу сўзлари атоқли педагог, биринчи ўзбек «Алифбе»си муаллифи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. Шарофиддинов 80 ёшга тўлиши муносабати билан Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг мажлислар залига, юбилей кечасига тўпланган отаҳоннинг шогирдлари, ҳамкасблари ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги намояндалари дилидаги гап эди.

Юбилей кечасини Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими мудири Х. Йўлдошев очди. Республика маориф министри С. Шермуҳамедов Ўзбекистондаги 220 минг ўқитувчи ва 3,5 миллион нафар ўқувчи номидан юбилярни табриклаб, унга тантанали вазиятда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини топширди.

Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи С. Сайдаҳмедов атоқли педагогнинг ҳаёт йўли ҳақида доклад қилди. Қарийб 60 йилдан бери фақат биринчи синфда дарс бериб, ёш авлодга хат-савод ўргатиб келаётган устод муаллимни шогирдлари номидан шоир Тўроб Тўла табриклади, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Қўчқоров ва бошқалар юбилярни қутлуғ 80 ёши билан муборакбод қилиб, унга сиҳат-саломатлик тиладилар.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи О. Шарофиддиновга 1968 йилда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Устоз ҳар қанча ҳурмат ва олқишга лойиқ. Бутунittифоқ китоб палатасининг маълумотларига қараганда унинг биргина «Алифбе» китоби 20-22 миллион нусхада чоп этилганининг ўзиёқ муаллим-мураббийнинг шогирдлари нақадар кўплигидан далолат беради.

Р. ҚОСИМОВ.

АХБОРОТ

МАДАНИЙ ҲАЕТ

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Тошкент халқ хўжалиги институтида олий ўқув юртларида автоматлаштирилган бошқарув системаси проблемаси бўйича семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Семинар-кенгашда бир қанча муҳим мавзуларда докладлар тингланди. Айниқса, Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри ўринбосари К. Афанасьевнинг «Олий мактабнинг автоматлаштирилган бошқарув системаси — ўнинчи беш йилликнинг асосий масаласи», профессор М. Эрматовнинг «Республика автоматлаштирилган бошқарув системалари ва олий мактаб» мавзундаги докладлари семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Семинар-кенгашда институт ва университетларнинг автоматлаштирилган бошқарув системасини ишлаб чиқиш принциплари ва бу системанинг аҳамияти ҳақида кенг фикр алмашинилди.

Кенгаш ишида республикамиз олий ўқув юртларида шу масала билан шуғулланувчи олим ҳамда етакчи мутахассислар иштирок этдилар.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

М. Горький номидаги Фарғона область рус драма театрида А. Ржевский ва М. Кац пьесаси асосида тайёрланган «Олеко Дундич» спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. Асарни театрнинг бош режиссёри Д. К. Сухачев постановка қилган.

Суратда: спектаклдан бир кўриниш, Олеко Дундич — артист Михаил Голененко, Будённий — артист Валентин Шиннаренко, Ворошилов — артист Олег Гребцов.

Г. Бойко фотоси.

Адабий календарь

БУЮК ФАНТАСТ

(ЖЮЛЬ ВЕРН ТУҒИЛГАН КУНГА 150 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН)

Жюль Верн XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган француз адабиётининг сўнмас юлдузларидан бири. У ўзининг илмий-фантастик асарлари билан жаҳон адабиёти хазинасини бойитган.

Жюль Верн 1828 йилнинг 8 февралида Франциянинг Нант шаҳрида адвокат оиласида туғилди. Лицейни тамомлагач, отасининг хоҳиши билан ҳуқуқшуносликни ўрганиш учун Парижга келади. Аммо Жюль Вернни ҳуқуқшунослик эмас, адабиёт қизиқтирар эди. Бўлажак ёзувчи пойтахтда қолиб, санъаткорлар, адабиётчилар ва ёзувчилар билан яқинлашади. Жюль Верн яшаган давр — XIX асрнинг иккинчи ярми фан ва техниканинг беқиёс гуруллаб ўсаётган даври эди. Бу даврга келиб физика, химия, астрономия, география ва биология фанлари соҳасида кишини ҳайрон қолдирадиган даражада буюк кашфиётлар содир бўлди. Саноат, ишлаб чиқаришда катта-катта ўзгаришлар юз берди. Аслида, Жюль Верн ижодидаги илмий-фантастик йўналишни белгилаб берган омиллар ҳам ана шулар эди. Ёзувчи фаннинг жамиятни ўзгартувчи кучига кўп эътибор берди. У буржуа шароитида фан кишилар жамияти ҳаётини такомиллаштиради ва яхшилайди, деб ўйлади.

Жюль Вернинг биринчи романи «Осмон шарида беш ҳафта» (1862) деб аталади. Бу асарнинг муваффақияти ёзувчида улкан ижодий план тузиш ғоясини туғдиради. У нашриёт билан йигирма йиллик муддатга шартнома тузади. Бу шартномага кўра ёзувчи йигирма йил мобайнида ҳар йили иккитадан роман ёзиб берадиган бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, Жюль Верн ўз олдига қўйган улкан вазифани амалга ошириб, 65 томни ташкил қилувчи «Одатдан ташқари саёҳатлар» деб аталувчи романлар серияларини яратади.

Жюль Верн ўз асарларини «Фан ҳақидаги романлар» деб атади. Аниқроғи, уларни «одамлар ва фан ҳақидаги романлар» деса бўлади. Унинг муҳим романлари «Ернинг марказига саёҳат» (1864), «Ердан — Ойгача» (1865), «Ой атрофида» (1870), «Капитан Гаттераснинг саёҳати ва саргузаштлари» (1866), «Капитан Грантнинг болалари» (1868), «Ер атрофида 80 кун» (1872), «Сирли орол» (1875), «Ўн беш ёшли капитан» (1878) ва бошқалардир.

Жюль Верн сермаҳсул романнависгина бўлиб қолмай, бир неча муҳим рисолалар ҳам ёзди. Унинг 1880 йилларда «Ернинг кашф қилиниши» номли тарихий ва географик мавзудаги асари ёзувчининг ҳаммавақт илмий кашфиётларга қизиқиб қарашидан дарак беради.

Жюль Верн асарлари ўз замонаси савиясидан ўзиб кетиб, келажакни башорат қилиши билан ҳаммани ўзига мафтун этади. Ёзувчи инсон ақли, теран тафаккурининг энг ноёб кашфиётларини жонли образлар орқали романтик ва реалистик бўёқларда ҳикоя қилиб беради.

Жюль Верн ижодида муҳим ўрин тутган трилогияси «Капитан Грантнинг болалари», «Сув остида, 20000 лье», «Сирли орол»нинг қаҳрамонлари ёзувчи дунёқарашига хос гуманистик ва демократик ғояларни ифодалайдилар.

Ёзувчи босқинчилик урушларини, колониал таловчиликларни нафрат билан қоралади. У миллатлар ва халқлар тенглиги ғоясини илгари сурди. Унинг бир қанча романларининг қаҳрамонлари турли миллат кишиларига мансуб эканлигини кўрамиз.

Жюль Верн бошқа фантаст ёзувчилардан фарқли ўлароқ, ўз фантазиясини табиат қонунларига ва ҳаққоний фактларга бўйсундирди. У том маънода илмий фантастикани яратди, Ўз асарларига фанни асос қилиб олиб, уни конкрет илмий мазмун билан тўлдирди. Жюль Верн ўз асарларида Арктикани ўзлаштириш, сув ости кемаларида сузиш, авиация ва ҳавода учиш, электр энергиясидан фойдаланиш, планеталараро саёҳат каби бир қатор мавзуларни кўтариб чиқди.

Ватанимизнинг буюк олимлари Жюль Вернинг ижодий фантазиясидан таъсирланганлар. Циолковский ёшлик чоғларидаёқ Жюль Верн асарлари унда космик фазога учиш ҳавасини уйғотганини айтади. Обручев эса ўзидаги саёҳат ва изланишларга бўлган эҳтирос Жюль Вернинг асарлари туфайли пайдо бўлганини тан олади. Менделеев ва Жуковскийлар эса Жюль Вернинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Жюль Верн асарларидаги жозибадорликни Лев Толстой, Тургенев ва Горькийлар ҳам юқори баҳолаганлар.

Шу нарса ҳам бежиз эмаски, совет олимлари ой сатҳидаги кратерлардан бирини Жюль Верн номи билан атадилар.

Жюль Верн асарлари билан рус китобхонларини биринчи бор таништирган киши — украин адибаси Маркс Вовчок эди. Буюк француз ёзувчисининг асарлари совет ҳокимияти йилларида Ватанимиздаги жуда кўп тилларга таржима қилинмоқда ва нашр этилмоқда.

Қ. АЗИЗОВ,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти доценти, филология фанлари кандидати.

СПОРТ

ҚИЗҒИН БАҲСЛАР

Аёзли кунларда ҳам хоразмлик спортчилар ўртасида катта-кичик мусобақалар ўтказишга аҳамият берилмоқда. Жумладан Шовот районидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг курашчилари Тошовуз шаҳрида Туркманистоннинг «Колхозчи» қишлоқ кўнгилли спорт жамияти полвонлари билан беллашдилар. Ёшларнинг эркин кураш баҳсларида шовотликлар муваффақият (14:10) қозониб ғолиблик дипломини қўлга киритдилар. Урганч шаҳрида эса «Динамо» спорт залида «Ёш қуч» спорт жамияти спортчилари самбо ва енгил атлетика бўйича мусобақалашдилар. Куч синашувда олдинги ўринларни эгаллаган 7 спортчи Узбекистон ССР Маориф министрлиги соврини учун самбо ва енгил атлетика бўйича республика мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Областдаги спорт коллективлари ВЛКСМ 60 йиллиги шарафига ўтказиладиган мусобақаларга ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Бу борада Хива ва гурланлик спортчилар амалга ошираётган ишлар ибратли бўлмоқда.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

⊙ **ЧАНҒИ УЧИШ.** Фарғонанинг Хайдаркон яқинидаги хушманзара ерида анъанавий «Рус қиши» байрами мусобақалари ўтказилди. Олой тизма тоғлари бағрига ташриф буюрганлар чанғида слалом ҳамда пойгалашиш, қорда мини-футбол ўйнаш каби баҳсларда куч синашдилар. «Рус қиши» байрами меҳнаткашларда унутилмас таассурот қолдирди.

⊙ **ҚУЛ ТУПИ.** Данияда ўтказилган жаҳон чемпионатида Совет терма командаси биринчи марта кумуш медаль совриндори бўлди. Совет гандболчилари ҳал қилувчи учрашувни ГФР командаси билан ўтказишиб (19:20), ғолиблик супасининг иккинчи погонасига кўтарилишди. ГДР спортчилари бронза медали олдилар.

⊙ **ХОККЕЙ.** Тошкентнинг «Бинокор» командаси ўз майдонида навбатдаги учрашувни ўтказди. Пермнинг «Молот» коллективи билан ўйинда хоккейчиларимиз 3:0 ҳисобида устун келиб, жами очколарини 44 тага етказишди.

⊙ **ШАХМАТ.** ГФРнинг Бад-Киссенген шаҳрида жаҳон чемпионлигига даъвогарлар ўртасида олтинчи партия ўйналди. Бу сафар А. Кушнирнинг қўли баланд келди. Ҳозирча умумий ҳисоб М. Чибурданидзе фойдасига (4:2) ҳал бўлиб турибди. Вильнюсда эса, ёшлар ўртасида ўтказилаётган Бутуниттифоқ биринчилигида республикамиз вакили Г. Аъзамов пешқадамлар safida бормоқда.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРИЛГАН ТАЛАБЛАР

Бухоро областида аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг муҳим тармоғидан бири бўлган ҳаммомлар иши билан ҳеч ким қизиқмай қўйганга ўхшайди. Чунки, кўпчилик ҳаммомлар турли сабаблар билан ишламаяпти. Ишлаётганлари эса аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондирмаяпти.

Область аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси раҳбарларидан қишлоқ меҳнаткашларига қандай хизмат кўрсатилаётганини сўрасангиз, мақтансак арзигулик рақамлар бор, дейишади.

Аслида қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатишнинг бир қанча турлари ўсиш ўрнига камайиб кетмоқда. Чунончи, аҳолига ҳаммом ва душ хизмати кўрсатиш, пойафзал ремонти, кийим-кечакларни химиявий тозалаш ва бўяш, уй-жой ремонти, металл буюмлар тайёрлаш ва ремонт қилиш планлари ўтган йили бажарилмай қолиб кетди. Юқорида қайд этилган муҳим турлар бўйича қишлоққа хизмат кўрсатиш ўтган йиллардагига нисбатан бир неча ўн минг сўмга камайди.

Биз бу билан Бухоро областидан қишлоқ меҳнаткашларига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида қилинаётган ишларни яширмоқчи эмасмиз, албатта. Кейинги йилларда бу соҳада талай тадбирлар амалга оширилди. Шаҳарларда ва кўпчилик район марказларида янги маиший хизмат комбинатлари, уйлари, комплекс қабул пунктлари ташкил этилди. Янги ҳаммомлар, химчистка ва кир ювиш корхоналари қурилиб, ишга туширилди. Аҳоли эҳтиёжига қараб «зангори экран» устахоналари сони яна кўпайтириляпти.

Бироқ, область маиший хизмат кўрсатиш ва коммунал хўжалик бошқармалари ҳамда ҳаммом-кир ювиш хўжаликлари ва химиявий тозалаш хизмати, область бирлашмаси раҳбарлари ана шу ресурслардан, резерв-имкониятлардан оқилона фойдалана олмаётирлар.

Область халқ контроли комитети 1977 йилда районлар марказидаги ҳаммом ҳамда меҳмонхоналар фаолиятида жиддий нуқсонларни фош этиб, коммунал хўжалик бошқармаси бошлиғи И. Н. Ёқубов ва ҳаммом-кир ювиш ҳамда химчистка бирлашмаси директори Ҳ. Ганиевларни қаттиқ огоҳлантирган эди. Лекин, улар бундан тегишли хулоса чиқариб, ачинарли аҳволни тузатиш ўрнига ҳамон ўз вазифаларига совуққонлик билан қараб келмоқдалар. Чунончи, Ғиждувон, Когон, Томди, Қизилтепа, Вобкент ва Навоий районларидаги меҳмонхоналар ва ҳаммомлар аҳволи ҳамон ачинарлилигича қолмоқда. Улар замонавий асбоб-анжомлар билан таъминланмаган, хизмат турлари ва нархлари қайд этилган прейскурантлар илиб қўйилмайди, тозалик, озодаликка риоя қилинмайди.

Шаҳар ва районлар марказида бошқармага қарашли 23 та ҳаммом бўлиб, шундан атиги 16 таси баҳоли қудрат ишлаб турибди. Қолганлари турли сабаблар билан «қантариб» қўйилган: Бирида қозон ишдан чиққан, иккинчисининг биноси яроқсиз, бошқасида ёқилғи йўқ ва ҳоказо. Кир ювиш корхонаси Бухоро шаҳридан бўлак, фақат Навоий, Когон ва олис Учқудуқ посёлкасида бор, холос. Улар ҳам тўла қувват билан ишламайди. Ишлагандаям талабга жавоб бермайди. Қизилтепада қуриш планлаштирилган корхона 4—5 йилдан бери «туя гўшти еб» ётипти.

1977 йил бошларида область ижроия комитети ҳаммом ва кир ювиш хўжаликлари ремонти учун 200 минг сўм маблағ ажратиш ҳақида қарор чиқарган эди. Ана шу маблағдан қандай фойдаланилди? — сўраймиз қатта инженер Т. Кутузовдан.

— Жуда ёмон фойдаландик, — деди у катта папкани олдига олиб, ҳужжатларни титкиларкан. 200 минг сўмдан атиги 176 сўмини ўзлаштирдик, холос. Сабаби Шофиркон, Навоий, Конимех, Вобкент ва Свердлов районларининг ижроия комитетлари белгиланган капитал маблағларни ҳануз бирлашмамиз ҳисобига ўтказмаяпти.

Шофиркон ва Свердлов районлари марказида то янги ҳаммом қуриб ишга туширгунча, мавжуд ҳаммомларни ремонт қилиб, фойдаланиб туришга ҳеч ким эътибор бермаяпти. Натижада, одамлар сочиқ ва совун кўтариб 50—80 километр йўл босиб келиб Бухоро шаҳридаги ҳаммомларда ювиниб кетишяпти.

Шаҳар ва район марказларида аҳвол шундоқ бўлгач, қишлоқларда қандай экан, дерсиз. Аввало, бу саволга жавоб топиш мушкул. Уни на область маиший хизмат бошқармаси, на ҳаммом-кир ювиш ва химчистка бирлашмасидагилар, хуллас, ҳеч ким аниқ билмайди. Нега, деб сўрасангиз, қишлоқ ҳаммомлари бу ташкилотлар ҳисобига ва қарамоғига ҳали ўтказилмаган. Уларни ишлатиш ва ишлатмаслик бевосита колхоз ва совхоз раҳбарларининг ихтиёридадир. Биз икки ерда икки хил манзаранинг гувоҳи бўлдик. Вобкент районидаги «Зарафшон» колхозида қурилиб, ишга туширилган ҳаммом қарийб ўн йилдан буён йил-ўн икки ой давомида, ҳафтада беш кундан тўхтовсиз ишлаб турибди. Ҳаммом қурилиши учун колхоз 15 минг сўм, ремонти учун 3 минг сўм сарфлади. Бунинг устига уни доимий ишчи, асбоб-ускуна, ёқилғи ва бошқа материаллар билан таъминлаб туради.

— Сарф-харажатини қоплаяптими? — сўрадик колхоз раиси, республика Олий Советининг депутати Воси ака Фаттоевдан. Сезгир раис нима демоқчи эканлигимизни дарров илғаб олди:

— Гап даромад келтиришида, ўз харажатини ўзи қоплашида эмас. Гап инсон соғлиғини, меҳнаткашларимиз саломатлигини мустаҳкамлашдадир. Бизни ҳаммомнинг фойда-зарари сира қизиқтирмайди, ахир, тани-сиҳатликни пул билан ўлчаб бўладими?!

Қизилтепа районидаги йирик «Бухоро» колхозида бўлганимизда, бунинг аксини кўрдик. Қайси колхозчи билан суҳбатлашманг, бу ердаги ҳаммомнинг ташландиқ ҳолда бузилиб, ўпирилиб ётганидан дили ранжиб гапиради. Колхоз правлениеси биносининг шундоқ қаршисида харобазор, ахлатхона айланган ҳаммомни наҳотки колхоз раиси Деҳқон Шерқулов кўрмаса, бехабар бўлса? Бунинг устига колхоз марказидаги маиший хизмат уйида пойафзал ремонт устахонаси ҳам йўқ. Бухоро райони марказидаги Галаосиё ҳаммоми эса, бир йилдан бери қозон йўқлигидан ишламай турибди.

Когон, Конимех ва Томди районларининг хўжаликларида эса умуман ҳаммомнинг ўзи тугул номи ҳам йўқ. Бунинг сабабини мутасадди ташкилотлар, мазкур хўжаликларнинг раҳбарлари, балки тушунтириб беришар?

И. КОЗЛОВ,
Маҳаллий саноат ва коммунал-маиший корхоналар ишчилари касаба союзи Бухоро область комитетининг раиси.

Х. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

15 ФЕВРАЛДА
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
1966 ЙИЛГИ ДАВЛАТ 3% ЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ БЎЙИЧА

93-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

3 ПРОЦЕНТЛИ ЗАЕМ БЎЙИЧА 40 СЎМДАН 5 МИНГ СЎМГАЧА ЮТУҚ ЮТИШ МУМКИН.

Ютуқ ютиш имкони ҳар бир тираждан сўнг ошиб бораверади, чунки ютуқ чиққан облигация кейинги тиражларда қатнашмайди, ютуқ миқдори эса ўзгармай қолаверади.

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ СОАТ 10.00 ДА БОШЛАНАДИ.

КИРИШ БЕПУЛ

3 ПРОЦЕНТЛИ ЗАЕМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ!

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШ БОШҚАРМАСИ.

АВТОҲАВАСКОРЛАРГА КАТТА ҚУЛАЙЛИК

«ЧИЛОНЗОР» МАССИВИДА ЯНГИ «АВТОСЕРВИС» ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

ШАХСИЙ ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИ

АВТОСЕРВИС

ЯНГИ СТАНЦИЯСИ

ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА ЖОЙЛАШГАН.

Тошкент — 700115, ГСП, «Халқлар дўстлиги» проспекти, метронинг «Собир Раҳимов» станцияси ёнида. Телефон: 77-82-24.

«АВТОСЕРВИС»ДА «ЗАПОРОЖЕЦ»ДАН ТАШҚАРИ БАРЧА МАРКАДАГИ ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ:

— машина эгасининг кўз олдида шошилянч ва майда ремонт ишлари амалга оширилади;
— автомобиллар автоматик равишда ювилади;
— автомобиллар диагностикаси ўтказилади;
— автомобилларга техника хизмати кўрсатилади;
— автомобиллар вулканизация қилинади;
— электр асбоблари зарядланади ва текширувдан ўтказилади.

БУ ЕРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲАММА ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СТАНЦИЯЛАРИДАН (СТО) КЕЛГАН ЭНГ ЯХШИ МУТАХАССИСЛАР АВТОҲАВАСКОРЛАР ҲОЖАТИНИ ЧИҚАРАДИ.

«АВТОСЕРВИС» коллективи шахсий автомобиль эгаларини янги очилган техника хизмати станциясига таклиф қилади.

АВТОМОБИЛЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ ВА ИШ СИФАТИ УЧУН КАФОЛАТНИ КОРХОНА МУТАХАССИСЛАРИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛАДИ.



Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/II да **Севги тумори**, 9/IIда **Князь Игорь.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/IIда **Қалби олов**, 9/IIда **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —8/IIда **Тошболта ошиқ** (19.30), 9/IIда **Олифта** (19.00).

Алмазор узуги — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Порлоқ келажакка чақир — «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Синдбоднинг еттинчи саёҳати — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Эй, бахтиёр инсон — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — (12, 16, 20.00).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Қуролланган ва жуда хавфли** (катта зал). **Севги синови** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Қуролланган ва жуда хавфли — «МОСКВА» (10, 12, 14, 16, 18, 20.00), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45), «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Тошкент Автомобиль транспорти ва йўллари институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари «Сиёсий иқтисод» кафедрасининг катта ўқитувчиси Х. К. Каримовга отаси

Муҳамаднарим ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Ўқувчилар ижросида шеърлар. 10.25 — «Қора нон» (бадиий фильм, 2-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00— Баскетбол. «Спартак» (Л) — «Динамо» (М). 22.35 — Концерт. 23.35 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ҳужжатли фильм. 11.55 — «Сарсонлик, саргардонликда» (бадиий фильм, 1-серия). 18.00 — Фильм-концерт. 18.20 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.45 — «Миллионлар ленинча университети». 19.05 — «Ахборот». 19.20 — «Қилмиш қидирмиш». (телеспектакль). 20.30 — Ахборот. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — Беш йилликнинг уч йиллик плани — СССР Конституциясининг бир йиллигига). 22.15 — «Сарсонлик саргардонликда» (бадиий фильм, 2-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ПРОГРАММА

19.00— Фильм-концерт. 19.20 — Ўқитувчи экрани. 19.50 — Янгиликлар. 20.10 — Туганмас хазина. 20.40 — Биология. 21.10 — Физика.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Концерт. 9.30 —Г. Зокирова ва Қ. Муҳиддинов концерти. 11.15 — Бунёдкорлар. 11.30 — Камер куйлари. 12.00 — Ўзбекистон индустриальний. 13.00 — Чорвадорлар мусобақалашмоқдалар. 13.30 — Касбим — қўшиқ. 16.10 — Композитор Б. Зейдман. 18.30 — Ўзбекистон спортивний. 19.00 — Миллионлар ленинча университети. 19.20 — Дўстлик тўлқинида. 20.20 — Концерт. 21.00 — Чорвадорлар учун концерт. 22.00 — Э. Солиховнинг эстрада куйлари. 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 — Шеърият кечаси. 23.20 — Лирик концерт.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04; масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06. **БУЛИМЛАР:** партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; халқаро ҳаёт — 32-54-18; саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 3-19-72; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-31-42; Қаш қадарё — 38-42; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Анжиён — 4-48-85; Жиззах — 31-66; ҚҚАССР — 2-42-62. Справка олиш учун — 33-02-92.

Р. — 03189. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 33.